*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ○ 6 август 1974 йил, сешанба ◆ № 183 (15.963). Баҳоси 2 тийин.

## ЎРТОҚ Я. КАДАРНИНГ СОВЕТ ИТТИФОҚИДА БЎЛГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДА

Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари Я. Кадар КПСС Марказий Комитетининг таклифига биноан 2 августдан 5 августгача қисқа муддатли дўстона визит билан Совет Иттифоқида бўлди.

3 ва 4 августда Қримда КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев билан ўртоқ Я. Кадар ўртасида суҳбатлар бўлиб ўтди.

Иккала партия раҳбарлари Венгрияда ҳамда Совет Иттифоқида социалистик ва коммунистик қурилишнинг борişи тўғрисида бир-бирларига ахборот бердилар. КПСС билан Венгрия Социалистик ишчи партияси ўртасида партиявий алоқаларни янада кучайтириш, Совет — Венгрия ҳамкорлигини ҳар томонлама ривожлантиришга доир бир қанча масалалар қараб чиқилди. Халқаро аҳвол тўғрисида, бундан буён ҳам халқаро кескинликни камайтириш тўғрисида ва тинчликни мустаҳкамлаш кураш йўллари тўғрисида фикрлашиб олинди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев билан Я. Кадарнинг учрашувлари ва суҳбатлари самимий дўстлик, муҳокама қилинган барча масалалар хусусида фикрларнинг тўла бирлиги вазиятида ўтди.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежнев Украина Компартияси Қрим область комитетининг биринчи секретари Н. К. Кириченко, Қрим область ижроия комитетининг раиси Т. Н. Чемодуров ва бошқа партия ва совет ходимлари Симферополь шаҳридаги аэродромда ўртоқ Я. Кадарни кутиб олдилар ва кузатиб қолдилар.

## РЕСПУБЛИКА ПАРТИЯ-ХЎЖАЛИК АКТИВИНИНГ ЙИҒИЛИШИ

5 августда Тошкентда республика партия-хўжалик активининг йиғилиши бўлди. Йиғилишда область, шаҳар, район партия комитетларининг секретарлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети ва область ижроия комитетларининг раислари ҳамда раис ўринбосарлари, шаҳар, район ижроия комитетларининг раислари, область ва шаҳар партия комитетларининг бўлим мудирлари, касаба союз ва комсомол органларининг ходимлари, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари, қурилиш-монтаж ва лойиҳалаш ташкилотлари, бинокорлик материаллари саноатининг инженер-техник ва раҳбар ходимлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг масъул ходимлари қатнашдилар.

Йиғилишда КПСС Новгород область комитетининг биринчи секретари Н. А. Антонов бошчилигидаги область делегацияси иштирок қилди.

Йиғилишни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов очди.

Актив йиғилиши 1974 йил капитал қурилиш соҳасидаги социалистик мажбуриятлар қандай бажарилаётганлиги ва планларни муваффақиятли бажаришни таъминлаш вазифалари тўғрисидаги масалани қараб чиқди. Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Н. Ж. Худойбердиев бу ҳақда доклад қилди.

Доклад юзасидан музокараларда Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мусахонов, республика қурилиш министри С. А. Омеров, Сурхондарё область партия комитетининг иккинчи секретари В. К. Михайлов, республика қишлоқ қурилиши министри Х. М. Носиров, Ўзбекистон ССР мелиорация ва сув хўжалиги министри С. М. Мамарасулов, «Ўзбекшахтастрой» трести партия комитетининг секретари А. П. Соловьев, республика монтаж ва махсус қурилиш ишлари министри И. К. Бородавко, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг Раиси Е. Айтмуратов, «Главташкентстрой» бошлиғи Г. М. Саркисов, «Главташкентстрой» 159- трести хўжалик хисобидаги бригаданинг бошлиғи С. Раҳмонов, Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг раиси М. А. Зоидов, «Главсредазирсовхозстрой» бошлиғи Н. Р. Ҳамроев, «Ўзколхозстрой» бирлашмасининг раиси И. А. Ашуров, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг иккинчи секретари С. В. Кудрявцев сўзга чиқдилар.

Докладчи ва сўзга чиққан ўртоқлар таъкидлаб ўтганидек, республикадаги бинокорлар ва монтажчилар Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 50 йиллиги шарафига олинган мажбуриятларни бажара бориб, йилнинг биринчи ярмида капитал маблағларни ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 12 процент кўпроқ ўзлаштирдилар ва қурилиш-монтаж ишларини 8 процент ортиқ бажардилар. Бир қанча йирик саноат корхоналари ишга туширилди. 33 минг гектар суғориладиган янги ерлар ўзлаштирилди, саҳни бир неча юз минг квадрат метрли уй-жой, янги мактаблар, болалар муассасалари қурилди.

Бир қанча областларда асосий фондларни, уй-жойларни, мактабларни, болалар муассасаларини ва бошқа маданий-маиший муассасаларни ишга тушириш, капитал маблағларни ўзлаштириш ярим йиллик планлари ошириб бажарилди.

Шу билан бирга айрим коллективлар ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини бажариш учун зўр ғайрат билан кураш олиб бормаётирлар, бу мажбуриятларни тўлиқ бажармаётирлар, улардан баъзилари эса давлат планини бажаришда орқада қолмоқдалар. Меҳнат ва ишлаб чиқаришни ташкил этишдаги камчиликлар: қурилиш техникасидан тўла фойдаланмаслик, меҳнат ва давлат интизоми бузилаётганлиги, қурилишларни комплектлаш ва таъминлашдаги нуқсонлар бунга сабабдир. Айрим коллективларда Н. Злобин тавсия этган бригада пудрати методи суст қўлланилмоқда.

Йиғилишда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади.

Партия-хўжалик активи йиғилиши муҳокама қилинган масала юзасидан кенг қарор қабул қилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва бюро аъзолигига кандидатлар И. Г. Анисимкин, С. Е. Белоножко, И. Р. Қурбонов, В. Г. Ломоносов, Н. М. Матчонов, Т. Н. Осетров, Қ. Камолов, Г. М. Орлов, С. У. Султонова, А. А. Ҳўжаев, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосарлари Р. Ҳ. Абдуллаева, Қ. А. Аҳмедов, М. Т. Турсунов, А. Р. Ҳўжаев қатнашдилар. (ЎзТАГ).

## ЧОРВАДОРЛАРГА МУКОФОТЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети 1974 йил биринчи ярмида чорвадорларнинг республика социалистик мусобақаси якунларини кўриб чиқдилар.

Колхозлар, совхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарининг чорвадорлари республика социалистик мусобақасига кўшилиб, чорва қишловини муваффақиятли ўтказганликлари, гўшт, сут, тухум ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни ва давлатга сотишни анча кўпайтирганликлари, чорва молларини урчитиб кўпайтиришни яхшилаганликлари, моллар туёғини ва паррандаларни кўпайтиришни ҳамда уларнинг маҳсулдорлигини оширишни таъминлаганликлари таъкидлаб ўтилди. Далаларнинг ва фермаларнинг ходимлари чорвачилик ва ем-хашак тайёрлаш юзасидан республиканинг ҳамда Ўзбекистон Компартиясининг юбилейи шарафига ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларни муддатидан илгари бажариш учун фидокорона меҳнат қилиб, маҳсулот тайёрлашни кўпайтирмоқдалар.

Партия, совет, қишлоқ хўжалик органлари, касаба союз ва комсомол ташкилотлари қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларини партия XXIV съезди қўйган ва КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев мамлакат пахтакор республикалари партия-хўжалик активининг Тошкентда бўлиб ўтган йиғилишида сўзлаган нутқида ҳамда кўриқ ерлар ўзлаштирила бошланганлигининг 20 йиллигига бағишлаб Олмаотада ўтказилган тантанали мажлисда сўзлаган нутқида қўйган вазифаларга мувофиқ чорвачиликни жадал ривожлантиришнинг муҳим омиллари бўлган гўшт, сут ва бошқа маҳсулотларни етиштириш соҳасидаги қўшимча имкониятлар ва резервлардан фойдаланиш учун, ем-хашакдан, механизация воситаларидан, фан ва илғор тажриба ютуқларидан янада самарали фойдаланиш учун сафарбар этиш борасида катта сиёсий ва ташкилотчилик ишларини олиб бормоқдалар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети қуйидагиларни 1974 йил биринчи ярмида чорвачилик бўйича республика социалистик мусобақасининг ғолиблари деб топдилар ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг Қизил байроқлари билан мукофотландилар.

— Тошкент области биринчи пул мукофоти — ўн минг сўм пул ва бешта юк автомобили билан;

— Андижон области иккинчи пул мукофоти — беш минг сўм пул ва учта юк автомобили билан;

— Бухоро области иккинчи пул мукофоти — беш минг сўм пул ва учта юк автомобили билан;

— Сирдарё области учинчи пул мукофоти — уч минг сўм пул ва иккита юк автомобили билан;

— Фарғона области учинчи пул мукофоти — уч минг сўм пул ва иккита юк автомобили билан;

— Бухоро областидаги Конимех райони, Наманган областидаги Янгиқўрғон райони биринчи пул мукофоти — ҳар бирига беш минг сўмдан пул ва учтадан юк автомобили билан;

— Жиззах областининг Бахмал, районы, Тошкент областидаги Куйи Чирчиқ райони, Қорақалпоғистон АССРдаги Нукус райони, Самарқанд областидаги Самарқанд райони ҳар бири иккинчи пул мукофоти — уч минг сўмдан пул ва иккитадан юк автомобили билан;

— Жиззах областидаги Ғаллаорол райони, Самарқанд областидаги Жомбой райони, Фарғона областидаги Тошлоқ райони, Наманган областидаги Тўрақўрғон райони, Сурхондарё областидаги Термиз райони, Андижон областидаги Хўжаобод райони, Қашқадарё областидаги Шаҳрисабз райони, Хоразм областидаги Янгиариқ райони, Сирдарё областидаги Янгиер райони учинчи пул мукофоти ҳар бири минг сўмдан пул ва биттадан юк автомашинаси билан мукофотландилар.

Ажратилган пул маблағлари фермаларнинг алоҳида ибрат кўрсатган ходимларини мукофотлаш учун, автомашиналар эса чорвадорлар социалистик мусобақасида ғолиб чиққан пешқадам хўжаликларга сотиш учун берилади.

Область ва район партия комитетларига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, область ва район ижроия комитетларига қишлоқ хўжалиги, касаба союз ва комсомол ташкилотларига, колхозлар, совхозлар ҳамда бошқа давлат хўжаликларининг раҳбарлари ва мутахассисларига чорвачилик юзасидан ярим йиллиқнинг якунларини чуқур таҳлил қилиб чиқиш, пешқадамларнинг тажрибаларини умумлаштириш, орқада қолаётган хўжаликларнинг фаолиятини яхшилаш юзасидан конкрет тадбирларни белгилаш ва амалга ошириш, чорвачиликни ривожлантиришни тезлаштиришда ҳамда унинг ем-хашак базасини мустаҳкамлашда, беш йиллиқнинг белгиловчи — тўртинчи йилида олинган социалистик мажбуриятларни бажаришда уларга доимий ёрдам бериш топширилди.

## ЭНГ ЯХШИ ПИЛЛАЧИЛАРГА ТЕНГЛАШАЙЛИК

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети 1974 йилда пиллачилик юзасидан ўтказилган социалистик мусобақа якунларини қараб чиқиб, республика пиллачилари, мутахассислари ва хўжаликларнинг раҳбарлари социалистик мусобақани кенг авж олдириб, пилла етиштиришни кўпайтиришда катта муваффақиятларга эришганликларини таъкидладилар.

Кўплаб колхозлар ва совхозлар бу йилги об-ҳавонинг ноқулай шароитларида, илғор тажриба ва фан ютуқларидан моҳирона фойдаланиб, ипак қуртини боқишда прогрессив технологияни қўлланиб, пилладан юқори ҳосил олишнини таъминладилар, унинг сифатини оширишга эришдилар ва давлатга қимматли хом-ашё сотиш юзасидан олинган юбилей социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажардилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети қуйидаги областлар ва районларни 1974 йил юбилей йили якунлари бўйича пиллачилар социалистик мусобақасининг ғолиблари деб ҳисобладилар ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг Қизил байроқлари ва дипломлари билан мукофотладилар:

— Андижон, Бухоро, Қашқадарё ва Наманган области. Бу областларнинг ҳар бири пул мукофотлари ва учтадан юк автомобили билан мукофотланди;

— Андижон областининг Андижон райони;

— Тошкент областининг Оржоникидзе райони;

— Сурхондарё областининг Денов райони;

— Жиззах областининг Жиззах райони;

— Самарқанд областининг Иштиҳон райони;

— Наманган областининг Косонсой райони;

— Бухоро областининг Свердлов райони;

— Сирдарё областининг Сирдарё райони;

— Қорақалпоғистон АССРнинг Тўрткўл райони;

— Хоразм областининг Урганч райони;

— Фарғона областининг Фрунзе райони;

— Қашқадарё областининг Яккабоғ райони. Бу районларнинг ҳар бирига пул мукофоти ва биттадан юк автомобили ажратилди.

Пул мукофотлари пилла етиштиришда алоҳида ўрнак кўрсатган пиллачиларни мукофотлаш учун, юк автомобиллари пилла етиштиришни кўпайтиришда энг яхши натижаларга эришган колхозлар ва совхозларга сотиш учун юборилади.

Жиззах, Самарқанд ва Сирдарё области пиллачиларининг яхши меҳнат қилганликлари таъкидланди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети республика пиллачилари, партия, совет, қишлоқ хўжалиги органлари, касаба союз ва комсомол ташкилотлари давлатга юқори сифатли пилла сотиш бўйича халқ хўжалик планлари ва социалистик мажбуриятларини бажариш учун 1975 йилда ўтказиладиган социалистик мусобақани кенг авж олдирадилар ва шу билан бирга тўқкизинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан олдин бажаришга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшадилар деб қатъий ишонч билдирадилар.

## ЮБИЛЕЙНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАЙЛИК

Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармасининг маълумотига кўра, республика индустрияси саноат маҳсулотини реализация қилиш юзасидан 1974 йил январь — июль ойлари планини 103,8 процент, меҳнат унумдорлиги планини эса 102,8 процент бажарди.

Беш йилликнинг белгиловчи йили етти ой мобайнида пландан ташқари 221 миллион сўлик маҳсулот реализация қилинди. Саноат ишлаб чиқаришнинг ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 7,3 процент ортди, меҳнат унумдорлиги 4,1 процент ошди.

Саноат маҳсулотини реализация қилиш етти ойлик планини Қорақалпоғистон АССР ва республикадаги барча областлар бажардилар.

Қорақалпоғистон АССРда, республика областларида ва Тошкент шаҳрида плани бажарилиши ва саноат ишлаб чиқаришни ўстириш суръатлари қуйидагича бўлди: (биринчи устун — июль ойида маҳсулотни реализация қилиш планининг бажарилиш проценти, иккинчи устун — январь—июль ойларида маҳсулот реализация қилиш планининг бажарилиш проценти, учинчи устун — — 1974 йил январь—июль ойларида ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулот 1973 йилнинг шу давридагига нисбатан процент ҳисобида).

| | | | |
|---|---|---|---|
| Ўзбекистон ССР бўйича жами | 102,2 | 103,8 | 107,3 |
| Қорақалпоғистон АССР | 102,6 | 105,9 | 119,0 |
| Андижон области | 105,9 | 105,3 | 102,7 |
| Бухоро области | 96,1 | 102,8 | 96,0 |
| Жиззах области | 98,0 | 103,3 | 113,3 |
| Қашқадарё области | 101,8 | 105,3 | 102,9 |
| Наманган области | 100,0 | 105,2 | 106,5 |
| Самарқанд области | 103,9 | 103,5 | 110,3 |
| Сурхондарё области | 103,3 | 104,4 | 109,2 |
| Сирдарё области | 102,1 | 106,7 | 128,9 |
| Тошкент области | 103,0 | 103,6 | 108,6 |
| Фарғона области | 103,1 | 103,9 | 104,1 |
| Хоразм области | 104,2 | 104,3 | 109,2 |
| Тошкент шаҳри | 102,1 | 102,9 | 109,7 |

Қорақалпоғистон АССРдаги саноат корхоналари пландан ташқари 8,8 миллион сўлик, Андижон областидаги саноат корхоналари 20,0 миллион сўлик, Бухоро областидаги саноат корхоналари 11,6 миллион сўлик, Жиззах областидаги саноат корхоналари 2,3 миллион сўлик, Қашқадарё областидаги саноат корхоналари 11,5 миллион сўлик, Наманган областидаги саноат корхоналари 15,1 миллион сўлик, Самарқанд областидаги саноат корхоналари 18,6 миллион сўлик, Сурхондарё областидаги саноат корхоналари 9,2 миллион сўлик, Сирдарё областидаги саноат корхоналари 8,1 миллион сўлик, Тошкент областидаги саноат корхоналари 36,8 миллион сўлик, Фарғона областидаги саноат корхоналари 32,4 миллион сўлик, Хоразм областидаги саноат корхоналари 6,5 миллион сўлик, Тошкент шаҳридаги саноат корхоналари 35,6 миллион сўлик маҳсулот реализация қилдилар.

Пахта тозалаш саноати корхоналари шу йилнинг етти ойи мобайнида пландан ташқари 95,4 миллион сўлик, енгил саноат корхоналари 23,6 миллион сўлик, озиқ-овқат саноати корхоналари 24,8 миллион сўлик, гўшт ва сут саноати корхоналари 12,1 миллион сўлик маҳсулот реализация қилдилар. Республикадаги бошқа министрлик ва идораларнинг корхоналари, шунингдек, иттифоқ бўйсинишидаги индустрия планининг ошириб бажарилишига анча ҳисса қўшдилар.

Автомобиль ва темир йўл транспорти корхоналари халқ хўжалиги юкларини ташиш юзасидан ўз планларини ошириб бажариб, республика саноатининг маҳсулотни реализация қилиш планини муваффақиятли бажаришга ёрдам бердилар.

Шу билан бирга бир қанча корхоналар 19 миллион сўлик маҳсулотни кам реализация қилиб, планларини бажара олмадилар. Булар орасида Навоий химия комбинати, Наманган трансформатор заводи, Тошкент рўзғор холодильниклар заводи, экскаватор заводи, Андижон гидролиз заводи, Шарғун кон бошқармаси, Тошкент мебель комбинати, Янгийўл, Наманган мебель фабрикалари, Андижон, Фарғона пойафзал фабрикалари, Нукус гўшт комбинати ва баъзи бир корхоналар бор.

Партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотлари ва хўжалик раҳбарларининг вазифаси ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторларнинг тажрибасидан фойдаланиб, меҳнаткашларни сафарбар этиш соҳасидаги ташкилотчилик ишини яхшилаш асосида барча саноат корхоналари беш йиллиқнинг белгиловчи — 1974 йил учун белгиланган планларни ва қабул қилинган социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажарилишини таъминлашдан иборат.



*Чорвачилик—зарбдор фронт*

## СИЛОС БОСТИРИШ ҚИЗҒИН

Уйчи райони хўжаликларида чорва моллар озуқа базасини мустаҳкамлашга катта эътибор берилмоқда. Пахта-беда алмашлаб экиш кенг йўлга қўйилиши туфайли беда пичани, уни тайёрлаш кўпайтирилмоқда. Райондаги Тельман номли колхоз чорвадорлари маккажўхори майдонларини кенгайтириш, ҳосилдорликни оширишда пешқадамлик қилмоқда. Улар бу йил ҳар гектар майдондан 80 центнердан маккажўхори дони ва 800 центнердан силосбоп кўкпоя олишга азму қарор қилганлар.

Дон учун экилган маккажўхори парвариши энг яхши агротехника муддатида ўтказилиши туфайли ҳар туп ўсимликда икки-учта бўлиқ сўта хосил бўлди. Абдужалил Сатимов бошлиқ маккажўхорикорлик бригадаси аъзолари уруғлиқ участкасидаги ўсимликларни айниқса меҳр билан парвариш қилмоқда. Вақтида суғорилган, сифатли культивация қилинган ўсимликлар дуркин ўсяпти ва юқори ҳосилдан нишона беряпти.

— Белгиловчи йилда 110 гектар майдонда маккажўхори ўстирмоқдамиз, — дейди бригада бошлиғи, — шундан 45 гектарини уруғлиққа ажратганмиз. Ўсимликнинг ҳолати яхши, сувдан қолдирмадик, ўтга олдирмадик, йиллик ўғит нормасини бериб бўлдик. Шу кунларда силос бостиришни қизғин давом эттирмоқдамиз. Ҳар гектар ердан ўтган йилдагига нисбатан 35-36 центнер кўп силосбоп кўкпоя олмоқдамиз, сўтани ҳам қўшиб ҳисоблаганда ҳосилдорлик янада юқори бўлмоқда. Гектаридан 80 центнердан дон, 800 центнердан силосбоп кўкпоя олиш ҳақидаги мажбуриятимизни сўзсиз бажарамиз.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, белгиловчи йилда хўжалигимиз бўйича дон тайёрлашни бултургига қараганда икки баравар кўпайтирамиз. Бу билан республикамиз бўйича бир миллион тонна маккажўхори дони тайёрлашга муносиб ҳисса қўшамиз.

Суратда (чапдан ўнгга): маккажўхорикорлик бригадасининг бошлиғи Абдужалил Сатимов ва чорвачилик бўйича техник-механик Назарбой Раззоқов силос бостириш учун ўрилаётган маккажўхорининг ҳосилини назоратдан ўтказяпти.

А. Юсуфбоев фотоси.

## Чет эл янгиликлари

### УНУТИЛМАС ТААССУРОТ

ДАКАР, 5 август. Сенегал пойтахтида Осиё ва Африка мамлакатларининг Тошкентда ўтказилган 3- Халқаро кинофестивали ишида қатнашган Сенегал киноси арбоблари Дакар ёшлари билан учрашдилар. Кино актёрлар, сценарийчилар, режиссёрлар Совет Иттифоқига қилган сафарларидан олган таассуротлари тўғрисида учрашув қатнашчиларига сўзлаб беришди.

«Бронза билан узук» фильмида бош ролни ижро этган ва Тошкент фестивалида мукофот олишга сазовор бўлган сенегал киноактёри Нар Сен қуйидагиларни айтди: «Мен учта кинофестивалда қатнашдим. Аммо, ҳеч қаерда Совет Иттифоқидагидек зўр самимиятни ҳис этмадим. Совет кишиларининг ғоят самимий дўстлиги ва меҳмондўстлиги, — деб таъкидлади у, — ҳаммамизда унутилмас таассурот қолдирди».

Сенегал делегациясининг аъзолари Тошкент ва Самарқанднинг завод ва фабрикаларида, совхоз ва колхозларида, мактаб касалхоналарида, хуллас, ҳамма жойда озиз дўстлардек кутиб олганликларини учрашув қатнашчиларига ҳикоя қилиб бердилар. Меҳмонлар совет ишчи ва колхозчиларининг, олимлар ва студентларининг, маданият ва санъат арбобларининг бунёдкорлик меҳнати билан танишдилар. Совет халқи ҳаёти юксак даражага кўтарилганлиги, иқтисодий бурилишнинг буюк кўламлари ва колхоз ҳамда совхозларнинг илғор техника ва малакали кадрлар билан яхши таъминланганлиги уларда кучли таассурот қолдирди.

Б. ПЕТУХОВ, ТАСС мухбири.

### ЭФИОПИЯНИНГ ЯНГИ ҲУКУМАТИ

АДДИС-АБЕБА, 5 август. (ТАСС). Бу ерда Эфиопиянинг бош министр Микаэль Имру тузган ва Эфиопия императори Хайле Селассие I тасдиқлаган янги ҳукумати состави эълон қилинди.

Эфиопия информация агентлигининг хабар беришича, янги кабинет составидаги 17 кишидан 12 киши илгариги ҳукуматда ишгол этган лавозимларида қолдилар. Зауде Гибре Селассие Эфиопия ташқи ишлар министри бўлиб қолди. У бундан ташқари энди бош министр лавозимини ҳам адо этади. Янги кабинетда мудофаа министри қилиб генерал-лейтенант Амон Андом тайинланди. Куролли кучлар бош штаби бошлиғи лавозими ҳам шу кишида қолди. Ҳукуматда ички ишлар министри, қишлоқ хўжалиги министри, таълим ва бадиий санъат министри, планлаштириш ва ривожланиш министри ўзгарди. Информация министри лавозими бўш қолди.

Бош министр Микаэль Имру янги кабинет составини эълон қилгандан кейин сал ўтмай Эфиопия радиоси орқали нутқ сўзлаб мамлакат аҳолисини саводсизлик, очарчилик, касаллик билан курашда ҳукуматнинг тадбирларини қўллаб-қувватлашга чақирди.

### САККИЗИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ЕТТИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Саккизинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг еттинчи сессияси бугун 6 август куни эрталаб соат 10 да Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутатлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг мажлислар залида соат 9 дан бошлаб рўйхатга олинади.

### ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ОҚСОҚОЛЛАР КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Оқсоқоллар кенгашининг мажлиси 6 август эрталаб соат 9 дан 30 минут ўтганда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг мажлислар залида ўтказилади.

# ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ДОИМИЙ КОМИССИЯЛАРИДА

5 августда Ўзбекистон ССР Олий Совети бир қанча доимий комиссияларининг мажлиси бўлди.

Қонун лойиҳаларини тайёрловчи комиссия, Халқ маорифи комиссияси, Ишлаб чиқариш комиссияси, Фан ва маданият комиссиясининг қўшма мажлиси ўтказилди. Мажлисда Ўзбекистон ССРнинг Халқ маорифи тўғрисидаги Қонун лойиҳаси қараб чиқилди.

Депутатлар Қонун лойиҳасини маъқуллаб, Халқ маорифи доимий комиссиясининг раиси Э. Ғ. Ғафуржонова шу тўғрида Ўзбекистон ССР Олий Советига хабарот беришни топширдилар.

Қонун лойиҳаларини тайёрловчи комиссиянинг мажлисида Ўзбекистон ССРнинг давлат нотариати тўғрисидаги Қонун лойиҳаси маъқулланди. Комиссиянинг раиси депутат М. Қориевга сессияда Қонун лойиҳаси тўғрисида доклад қилиш топширилди.

План-бюджет комиссияси Тошкент область ижроия комитетининг область маҳаллий бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тинглади.

Ўзбекистон ССРнинг 1973 йилги Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисобот Республика Олий Советининг муҳокамасига тақдим этилганлиги муносабати билан план-бюджет комиссияси ўз раиси депутат Х. У. Умаровга шу масала юзасидан қўшимча доклад қилишни топширди. Комиссия қўшимча доклад текстини тасдиқлади.

План-бюджет комиссияси Савдо ва умумий овқатланиш доимий комиссияси билан биргаликда Республика Савдо министрлиги ва «Ўзбекбирлашув» правлениеси Республика халқ хўжалигини ривожлантириш учун 1974 йилги Давлат плани ва Давлат бюджети лойиҳалари юзасидан Ўзбекистон ССР Олий Совети доимий комиссияларининг хулосаларида баён қилинган тавсияларни қандай бажараётганликлари тўғрисида уларнинг ҳисоботини тинглади.

Табиат ва ер ости бойликларини муҳофаза қилиш комиссияси ва Халқ маорифи комиссиясининг қўшма мажлисида Самарқанд областидаги маҳаллий советларнинг ёшларни табиатни эҳтиёт қилиш руҳида тарбиялаш соҳасидаги иши тўғрисида шу область ижроия комитетининг ҳисоботи муҳокама қилинди.

Ишлаб чиқариш доимий комиссияси ҳунар-техника таълимига ва малакали ишчи кадрлар тайёрлашга раҳбарлик юзасидан Фарғона область маҳаллий советларининг ишчи тўғрисидаги масалани муҳокама қилди. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Қарши даштидаги ёш биноқорларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш юзасидан бир йил олдин қабул қилган қарори қандай бажарилаётганлиги тўғрисида «Каршистройнинг ҳам ҳисоботи тингланди. Фан ва маданият комиссиясининг мажлисида Наманган областидаги маданий-оқартув муассасаларининг иши батафсил қараб чиқилди.

Қурилиш ва биноқорлик материаллари саноати комиссияси ўз мажлисида Қашқадарё областида мактабгача болалар муассасалари қурилишини жадаллаштириш тадбирларини белгилади. (ЎзТАГ).

# МЎЛ ҲОСИЛ— ВАТАН ХИРМОНИГА

### ЗАПОРОЖЬЕ ОБЛАСТИ ДАВЛАТГА ҒАЛЛА СОТИШ ЮЗАСИДАН СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИНИ БАЖАРДИ

Запорожье область қишлоқ хўжалик меҳнатчилари партия XXIV съезди қарорларини амалга ошира бориб, беш йилликнинг тўртинчи, белгиловчи йилида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлашни кўпайтириш учун ўтказилаётган социалистик мусобақага қўшилиб, донли экинлардан мўл ҳосил етиштирдилар, бошоқли экинларнинг ўрим-йиғимини уюшқоқлик билан ўтказиб, давлатга ғалла сотиш юзасидан қабул қилган мажбуриятларини бажардилар.

Тайёрлов пунктларига 1102 минг тонна (67 миллион пуддан зиёд) дон етказиб берилди. Бу эса халқ хўжалик планида кўзда тутилганидан анча кўпдир. Бугдой, арпа ва дуккакли дон экинларини харид қилиш планлари ошириб бажарилди. Давлатга пландан ташқари ғалла сотиш давом этмоқда. Область колхозлари ва совхозлари маккажўхори ва ёрмабоп экинларни ҳисобга олганда бу йил жами давлатга камида 1360 минг тонна ғалла сотиш учун кураш олиб бормоқдалар.

Саноат корхоналари, транспорт ва тайёрлаш ташкилотларининг коллективлари ҳосилни ўриб-йиғиб олиш ва ғалла ташишда колхозчиларга ҳамда совхозларнинг ишчиларига катта ёрдам бердилар.

Колхозчилар, совхозларнинг ишчилари, партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари куч-ғайратларини ўрим-йиғимни тезроқ тугаллаш, кузги экинлар экишни ва шудгорлашни ўз вақтида ўтказишга сарфламоқдалар, чорвачилик учун зарур ем-хашак запасларини яратиш, барча қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва тайёрлаш юзасидан тўққизинчи беш йиллик учун белгиланган планларни муваффақиятли бажариш учун мустаҳкам замин яратмоқдалар.

# ВЕНГРИЯЛИК МЕҲМОН

Венгрия Халқ Республикаси ташқи ишлар министри Фридьеш Пуйя Ўзбекистоннинг ҳаёти билан танишмоқда.

Венгриядан келган меҳмонни 5 августда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари, республика ташқи ишлар министри М. Т. Турсунов қабул қилди.

(ЎзТАГ).

# ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ТАНИШИБ ЧИҚДИЛАР

Перу — Совет маданий алоқалар жамияти раиси Асунсьон Кабальеро Мендес бошчилигидаги шу жамият делегацияси республика билан танишиб чиқишни тугаллади.

Перу жамоат арбоблари Тошкент ва Самарқанднинг ҳаёти билан танишдилар, чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа Ўзбекистон жамияти активлари билан учрашдилар.

(ЎзТАГ).

# ОЗАРБАЙЖОН ВА ТОЖИКИСТОНГА ЎЗАРО ТЕКШИРИШ БРИГАДАЛАРИ ЖЎНАБ КЕТДИ

Пахтадан ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан беш йилликнинг белгиловчи йилида мўл ҳосил етиштириш юзасидан мусобақалашаётган республикаларнинг деҳқонлари ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини қандай бажараётганлигини ўзаро текшириш учун Бокуга Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги меҳнатчиларининг бригадаси жўнаб кетди. Бригадага Ўзбекистон ССР тайёрлаш министри З. С. Сирожиддинов бошчилик қилади.

Шу куни Ўзбекистон ССР совхозлар министри Е. Т. Тасанбоев бошчилигидаги республика деҳқонлари ўзаро текшириш бригадаси Душанбага жўнаб кетди. (ЎзТАГ).

*СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТИ ҲАФТАЛИГИ*

# ВАТАНИМИЗНИНГ ЖАНУБИЙ ДАРВОЗАСИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ВА ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ 50 ЙИЛ

**Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги муносабати билан областларга берилаётган ҳафталигимиз давом этади. Навбат ингичка толали пахта, тилларанг сур терилар, субтропик ўсимликлар, ширин-шакар мевалар, шакарқамиш ва бошқа ноз-неъматлар макони Сурхондарёга! Қуйида эллик йил ичида областда рўй берган туб ўзгаришлар социал-иқтисодий ва маданий юксалишлар, халқ хўжалигида эришилган ютуқлар, меҳнаткашларнинг яратувчилик ишлари тўғрисидаги биринчи материални ўқийсиз.**

◆ ◆

Октябрь революциясига қадар Сурхондарё водийси Бухоро амирлигининг мулки, чор Россиясининг чекка мустамлакаси эди. Ер, сув ресурсларига, битмас-туганмас ер ости бойликларига эга бўлган ўлкада халқ жуда оғир ҳаёт кечирар эди. Минг йиллар илгари бўлганидек, бу ерда деҳқонларнинг асосий иш қуроли омоч, кетмон ва ўроқдан иборат эди. Майда кустар ишлаб чиқаришни ҳисобга олмаганда саноат мутлақо йўқ эди. Маориф ва маданият ночор аҳволда бўлган. Революциядан илгариги йилларда маҳаллий аҳолининг 0,24 процентга яқини саводли бўлиб, улар ҳам асосан бойларнинг болалари эди.

Октябрь революцияси ғалабасидан сўнг партия ва ҳукуматимиз, айниқса, собиқ қолоқ чекка ўлкаларда, шу жумладан Сурхондарёда халқ хўжалигини ривожлантиришга катта эътибор берди. Бу ерда дастлаб озиқ-овқат, нефть ва пахта тозалаш саноати корхоналари барпо этилди. 1927 йилда Термиз шаҳрида биринчи иссиқлик электр станцияси қурилди. Улуғ Ватан уруши бошлангунга қадар областда саноат корхоналари анча кўпайди. Масалан, Термизда ғишт заводи, гўшт комбинати, Деновда мотор-ремонт ва вино заводлари, шунингдек, Хазорбоғ, Шеробод, Денов пахта тозалаш заводлари, «Ховдак» ва «Кўкайти» нефть конлари ишга туширилди. Бу даврга келиб область саноат корхоналарининг ялпи маҳсулоти революция арафасига қараганда 30 баравар кўпайди.

Уруш йиллари область саноат корхоналари реконструкция қилинди, ишлаб чиқариш қуввати оширилди. Урушдан кейинги тинч қурилиш йилларида эса янги саноат корхоналари қурилиши суръати жадаллашиб кетди.

1970 йилнинг бошларига қадар Сурхондарё областида Кумқўрғон гидроэлектростанцияси, Узун, Жарқўрғон ва Шўрчида пахта тозалаш заводлари, Деновда ёғ экстракция, ром, пиво заводлари, Сариосиёда ғишт шағал саралаш заводлари, Қумқўрғонда ремонт-механика, темир-бетон буюмлари заводлари, Жарқўрғонда ёғоч ишлаш ва силикальцит буюмлар заводлари, «Ламмикор» нефть кони барпо қилиниб, ишга туширилди.

Сурхон йирик механизациялашган қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш воҳасига айланди. Область колхоз ва совхозлари далаларига ҳозир 10940 чопиқ ва ҳайдов трактори, 3 мингга яқин турли комбайн, 2200 пахта териш машинаси ишламоқда.

Ўтган йиллар мобайнида пахта майдони 120 минг гектарга кўпайди ва у ҳозир 128 минг гектарни ташкил этади. Революцияга қадар ўлкада йилига 5500 тонна пахта етиштирилган бўлса, ҳозир битта ўртача колхоз бундан кўп ҳосил бермоқда. Тўққизинчи беш йилликнинг уч йили ичида 1 миллион 195 минг тонна пахта етиштирилди. Бунинг 412 минг тоннаси ингичка толали пахтадир.

Областнинг асосий хўжалик райони — шимолдан жанубга қараб чўзилиб кетган Сурхон—Шеробод водийсидир. Атроф тоғлардан сув йиғадиган бу икки дарё ва уларнинг Тўпаланг, Сангардак, Хўжаипоқ каби ирмоқлари Сурхондарё областининг муҳим табиий ресурсларидан биридир. Амқизил, жанубий Сурхон сув омборларининг қурилиши область халқ хўжалигини ривожлантиришда катта бурилиш ясади. Шеробод магистрал канали ва Жарқўрғон сув иншоотининг яратилиши, қадимий Занг канали сув ўтказиш қувватининг оширилиши ҳозирга қадар 100 минг гектарга яқин янги ерларга ҳаёт бағишлади.

Областда ленинча маданий революция планининг ғалабаси маданиятнинг равнақ топишини таъминлади, ҳозир 5,5 минг инженер, агроном, зооветеринария ходимлари ишлаб турибди. Область шаҳар ва қишлоқларида 12,5 минг ўқитувчи, 1,1 минг врач меҳнат қилмоқда. Педагогика институти ва 10 та махсус ўқув юртлари ҳар йили 1,5 мингга яқин олий ва ўрта малакали мутахассислар тайёрлаб бермоқда.

Область экономика ва маданиятини ривожлантиришдаги муваффақиятлари учун 1967 йилда Ленин ордени билан мукофотланди.

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги йилида область меҳнатқашлари янги марраларни кўзлаб меҳнат қилмоқдалар. Ўз зиммаларига мукобил планлар олиб ишлаётган коллективлар ярим йиллик ишлаб чиқариш планларини муваффақиятли адо этдилар. «Сурханводстрой» қурилиш-монтаж бошқармасининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Бобоёр Ҳасанов бошлиқ бетончилар бригадаси ойлик планларини мунтазам 140-150 процент адо этмоқдалар. Бойсунлик чўпон, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Эргаш Шамаев, Гагарин номли наслчилик заводининг катта чўпони, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Нурқул Йўлдошев ҳар юз бош совликдан 200 ва ундан кўпроқ қўзи олдилар. Бу ҳаракатнинг актив ташаббускорлари сифатида областнинг донгдор пахтакори Отамурод Худойназаров, СССР Олий Советининг депутати Ҳалима Азимова, номи тилларда достон Шоймардон Кудратов, Абдусаттор Курбонов сингари илғорларни санаш мумкин.

Босиб ўтилган йўлга назар ташлар эканмиз, область меҳнаткашлари ҳаётида рўй берган ўзгаришлардан фахрланамиз. Коммунистик партия ва унинг ленинчи Марказий Комитети амалга ошираётган доно раҳбарликнинг, Совет давлатининг, мамлакатимиздаги барча қардош халқлар ва биринчи навбатда улуғ рус халқининг беғараз ёрдами самарасини ёрқин ҳис этяпмиз.

**В. КАРИМОВ,**
**Меҳнаткашлар депутатлари Сурхондарё область Совети ижроия комитетининг раиси.**




# Советлар мамлакатида

### ● РСФСР

**Липецк областининг хўжаликларида ғалла ялпи ўримига киришилди. Бу ерда ростовлик механизаторлардан ибрат олиб, техникадан юксак унумли фойдаланиш учун мусобақа авж олдириб юборилди.**

**«Боринский» совхозида янги ҳосил унидан пиширилган дастлабки нон комбайнчи И. К. Стебеновга тортиқ қилинди. У бирданига икки юбилейни — туғилган кунига олтмиш йил тўлганлигини ва механизаторлик стажининг ўттиз йиллигини нишонлади.**

**Ҳозирги вақтда совхоз ғаллазорларида кўплаб машиналар ишлаб турибди. Стебеневнинг шогирдлари 20 комбайнни бошқармоқдалар.**

### ● ТУРКМАНИСТОН

**Туркманистон геологлари Сазанадаги йирик оҳактош конини саноат йўли билан ўзлаштириш учун топширдилар. Бу материал Чоржўй нефтни қайта ишлаш заводининг қурилиш майдончасига жўнатилади ва бетон тўлдиргичлари сифатида фойдаланилади.**

**Сазака оҳактошини арзонга тушадиган карьер усулида қазиб чиқариш мумкин. Кон билан ёнма-ён автомобиль йўли ва темир йўл қурилмоқда. Қурилишда ишлатиладиган бу тошни Амударёдан ҳам ташиш мумкин.**

**Қизқалъа оҳактош кони ҳам саноат йўли билан ўзлаштириш учун топширилди. Ана шу икки ҳазинанинг запаслари тахминан қирқ миллион куб метрга етиб қолади.**

### ● ҚОЗОҒИСТОН

**Кентовдаги экскаватор заводининг коллективи гидравлик усулда ҳаракатга келтириладиган дастлабки экскаваторни ишлаб чиқарди. Машина зўр қувватли билангина эмас, балки универсаллиги билан ҳам ажралиб туради. У мураккаб тупроқни қазиш, шиббалаш, юк ортиб-бўшатиш ишларида фойдаланилиши мумкин.**

**Маҳсулотнинг янги тури муддатидан илгари ишлаб чиқарилди. Корхона коллективи экскаваторни давлат сифат белгисига аттестация қилиш учун тайёрлаш соҳасида мусобақалашмоқда.**

«Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллик юбилейига қадар беш йиллик топшириғимни шараф билан адо этаман!» Бухородаги зардўзлик фабрикасининг чевар тикувчиси Ҳамро Файзуллаеванинг аҳди шундай. У ҳозир беш йиллликнинг сўнгги ойлари ҳисобига меҳнат қилаяпти. Суратда: Ҳ. Файзуллаева иш устида.

А. Тўраев фотоси.

# «ПАХТА» ПРОГРАММАСИ

Бутуниттифоқ стандартлар илмий тадқиқот институти билан СССР Давлат стандарти Ўзбекистон республика бошқармаси «пахта» программаси лойиҳасини ишлаб чиқди. Экспертларнинг тахминларига кўра, бу программани жорий этиш халқ хўжалигига ҳар йили 50 миллион сўмга яқин маблағни тежаб бериши мумкин. Программани амалга ошириш учун уч юзтадан кўпроқ янги давлат стандартини ишлаб чиқиш зарур. Бу стандартлар «оқ олтин» етиштиришда ва қайта ишлашда қатнашувчиларнинг ҳаммаси олдига қўйиладиган норматив-техникавий талаблар комплексидан иборат бўлади.

Стандартларнинг янги комплексини вужудга келтиришни замоннинг ўзи тақозо қилди. Пахтанинг ялпи ҳосили жиҳатидан Совет Иттифоқи дунёда биринчи ўринга чиқди. Бултур мамлакатда 7,6 миллион тоннадан кўпроқ «оқ олтин» тайёрланди. Енгил саноатда, озиқ-овқат саноатида ва бошқа саноат тармоқларида кенг миқёсда фойдаланиладиган пахтадан илгари ҳеч қачон бунча кўп ҳосил олинмаган эди. Шу маҳсулотни етиштириш ва қайта ишлаш кўламлари ҳақиқатан ҳам улуғвор тус олган ҳозирги пайтда унинг сифатини планли равишда сабот билан ошириш жуда зарур бўлиб қолди. Бу вазифани норматив-техникавий ҳужжатлар комплекси ёрдамидагина ҳал этиш мумкин.

Ҳозирги вақтда пахта етиштириш 64 та давлат стандарти ёрдамида тартибга солиниб турибди. Бу стандартлар пахтанинг ўзининг сифатига, уни қайта ишлаш йўли билан олинадиган маҳсулотлар сифатига, ўғитлар ва заҳарли дориворлар сифатига бўлган талабларни белгилайди. «Оқ олтин»ни етиштириш ва қайта ишлашнинг техникавий воситаларига келганда бу воситалар давлат стандартларининг «эътиборидан» четда қолган эди. Пахтани қайта ишлашнинг технология жараёнлари ва унинг сифатини контроль қилиш методларини белгилайдиган бундай ҳужжатлар йўқ. Шундай қилиб, «оқ олтин» конвейерида ўзига хос камчиликлар — давлат стандартлари даражасидаги норматив-техникавий ҳужжатлар билан таъминланмаган ишлаб чиқариш жараёни бўғинлари вужудга келган эди.

Бундай аҳвол сифатни ошириш учун курашни муваффақиятли олиб боришга кўмаклашмайди. Ўтган йили давлат назорати Ўзбекистон ССР Пахта тозалаш саноати министрлигининг заводлари олдига даъволарни қўйди. Шу корхоналарнинг баъзиларига нисбатан иқтисодий чоралар кўрилди. Ўша вақтда СССР Давлат стандарти қабул қилган қарорда пахта тозалаш заводлари маҳсулотининг сифати пастлиги истеъмолчи корхоналарда қимматли хом ашёнинг анча миқдорда ортиқча сарф бўлишига элиб бораётганлиги таъкидлаб ўтилди.

Ўзбекистон ССР ва бошқа пахтакор республикалар Пахта тозалаш саноати министрликларининг ишлаб чиқариш коллективлари кейинги вақтларда маҳсулот сифатини ошириш учун кўп иш қилдилар. Бироқ саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг ҳозирги замон шароитида сифатни яхшилаш учун якка-ёлғиз ёки ҳатто бир тармоқ доирасида муваффақиятли равишда кураш олиб бориш мумкин эмас. «Оқ олтин» етиштириш ва қайта ишлашдаги ҳамма қатнашчиларнинг куч-ғайратларини давлат стандартлари мувофиқлаштириб туриши лозим.

Бутуниттифоқ стандартлар илмий тадқиқот институти билан СССР Давлат стандартининг Ўзбекистон республика бошқармаси таклиф этган программа лойиҳаси «оқ олтин» конвейерининг ўруглик чигитдан тортиб пахтани етиштириш, тозалаш ва қайта ишлашнинг техникавий воситаларигача бўлган ҳамма бўғинларини стандартлашни кўзда тутади. Белгиланган тадбирларни амалга ошириш учун бир қанча министрликлар ва идоралар, уларнинг илмий тадқиқот институтлари ва лабораторияларга куч-ғайрат сарфлашлари керак бўлади. Ўзбекистон республика стандартлаш ва метрология илмий тадқиқот маркази «пахта» программасини мувофиқлаштириб, унга илмий-методик ва ташкилий жиҳатдан раҳбарлик қилиб туради.

Шу муносабат билан пахтачилик учун керакли машиналарнинг ҳаммаси, пахта тозалаш асбоб-ускуналари, шунингдек минерал ўғитлар ишлаб чиқариш Ўзбекистонда жамланганлигини эътиборга олиб ўтмасдан бўлмайди. Республикада проблематик масалалар билан шуғулланувчи илмий-тадқиқот институтлари ва конструкторлик бюролари бор, уларнинг бутун фаолияти «оқ олтин» етиштириш ва уни қайта ишлашни таъминлашга қаратилган. Энди уларнинг ёнига яна бир илмий-тадқиқот маркази қўшилади. Катта фойда келтиришдан дарак бераётган программа — «пахта» программасини амалга ошириш унинг асосий вазифаси бўлади.

**В. БЕЛЯЕВ,**
**ТАСС обзорчиси.**

# НУР ТЎЛА УЙ

*«ЗАНГОРИ ЭКРАН»ДА*

Она юртимизнинг қишлоқ жойларида яшовчи болаларнинг азиз ота-оналари бу йилги юксак марра-беш миллион тонна «оқ олтин», миллионлаб тонна дон, мева, сабзавот етказиб бериш иштиёқида меҳнат қилмоқдалар, Ғайрат-шижоатлари, чуқур билим, тажрибалари билан ёрқин келажакка янгиданянги йўл солмоқдалар. Жондан азиз болаларнинг истиқболи, тақдири, бахт-саодати ҳам уларнинг ҳамиша-ҳамрўз диққат-эътиборида. Шунинг учун ҳам республикамизнинг ҳамма область ва районларидаги жаннат макон жойларида нур, чақчақлик, гулгун чеҳралар тўла уйлар — болалар боғчалари қад кўтарган.

Ҳозир фақат Ўзбекистоннинг ўзида чор Россиясидагидан 20 баравар кўп мактабгача ёшдаги болалар муассасалари мавжуд. Беш мингта болалар боғчаларидан ярмиси қишлоқ жойларида ўрнашган. Кўпгина қишлоқларимизда уч-тўрттадан, Фарғонадаги Ҳамза номли совхозда эса 20 та болалар боғчаси ишлаб турибди. Улар неча минглаб аёлларимизнинг оғирини енгил қиляпти. Олтиндан қиммат вақтларини тежаяпти, қишлоқ меҳнатчиларининг собит ва ўқтам сафини тўлдиришга, болаларнинг соғлом, бақувват бўлиб ўсишига, тўзал идеалларимизга садоқатли қилиб тарбияланишига катта ҳисса қўшмоқда.

«Ўзбектелефильм» ижодкорларининг янги, қисқа-метражли, ҳужжатли, рангли «Нур тўла уй» телефильми мўътабар мавзу — қишлоқлардаги болалар боғчалари фаолиятига бағишланган. Фильм (режиссёр-автори республикада хизмат кўрсатган артист Ҳ. Иброҳимов, оператор С. Салимов, монтажчи Т. Усмонхўжаева) дастлабки кадрларданоқ томошабин диққатини ўзига тортади. Бирдам тиниб-тинчимас, бахтиёр, шўх болалар қулоч очиб тўппа-тўғри сизга қараб келаётгандай. Уларнинг ёқимтойлиги, бийронлиги, бокиралигини кўриб, меҳрингиз товланиб кетади. Уларнинг ҳаётбахш нафаси димоғингизга урилгандай ҳис қиласиз ўзингизни.

Баҳор табиатда, ҳаёт заҳирида асосий ҳалқа бўлганидек, болалар ҳам инсоният баҳори, авлодларни авлодларга боғловчи, тарихларни тарихларга уловчи олтин кўприкдир. Шу туфайли ҳам бизнинг жамиятимизда болаларга ғамхўрлик беқиёс, беўлчовдир. Қишлоқ коммунистлари, меҳнаткашлар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Республика Министрлар Советининг қарорини амалга ошира бориб, фақат кейинги уч йилнинг ўзида мингдан ортиқ болалар боғчаларини қуриб битказдилар.

Замонавий, шинам боғча бинолари, керакли анжом, жиҳозлар, ўйинчоқлар болалар ихтиёрида. Илмли, меҳрибон тарбиячи опалар, оналар уларга парвона. Қўли гул қурувчи, боғбон амакилар ҳафсала билан кўркам гулзор, соя-салқин боғлар, зилол сувли ҳовузлар, уйин майдонлари бунёд этишган.

Фильм режиссёри болаларнинг бахтли ҳаётини ёрқин ифодаловчи, замон, Ватан образини яратувчи оригинал деталлар топа олган. Ихчам ва сермазмун фильм текстини тўла очиб берувчи тасвир устида анча бош қотирган. Сюжет-лавҳаларнинг ўзаро алоқадорлиги, боғланишини маҳорат билан кўрсатишга муваффақ бўлган.

«Нур тўла уй»да ортиқча тафсилотлар, деталлар йўқ. Оператор павильон, очиқ майдонлардаги съемкаларни масъулиятли ҳис қилган ҳолда, нозик дид, муҳаббат билан рангли ленталарга муҳрлаган. Ўрни билан меъёрни бузмай, мураккаб съемкалардан ҳам моҳирона фойдаланган. Айниқса боғчадаги аквариум ёнида олинган кинокадр, интернационал дўстликни акс эттирувчи болалар рақси томошабинни мафтун, маҳлиё қилади.

Фильм монтажида болалар психологиясига, болалар дунёсига, динамикага алоҳида эътибор берилган. Композитор Э. Калантаров музикаси фильм мазмунини янада тўлароқ, ёрқинроқ очишга хизмат қилган.

«Нур тўла уй» яқин ойлар ичида «Ўзбектелефильм»нинг республикамиз болалари ҳақида яратган иккинчи фильмидир. У жамоатчилик кўригида ижобий баҳо олди. Шу кунларда уни Москвадаги СССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг томошабинлари мароқ билан кўрмоқдалар.

Янги фильм телевизион фильмлар кутубхонасини тўлдирувчи жанжи, ленин мазмунли киноновелладир.

**Анвар КАРИМОВ.**

# СУВ ҚЎШИҒИ

Очерк

У нонушта қилмасданоқ телефонга ёпишди.

— Сув омборими? Мен — Ҳазратқуловман. Бугун қанча сув берясиз? 4 куб. Яхши.

— Сангзорнинг 6-постини беринг... Ҳозир қанча сув оқяпти? 16 куб? Озайдими? Оббо... — У ўйланиб қолди. Насос станциялари одатдагидек ишлаб турса. Жанубий Мирзачўл каналидан 3 куб сув олинади. Демак, ҳаммаси бўлиб далага 22 куб сув оқади. Бултургидан ўн куб кам. Бу сув билан суғориладиган ер минг гектарга ҳам етмайди. Чунки эгатларга етгунча сув миқдори яна камида 4 кубга камаяди...

Идорага бориб, хўжаликларда сувдан фойдаланишнинг борыши ҳақида маълумот тўплашга ўтирди...

Телефон устма-уст жирингляди. Одилжон трубкадаги овоздан Энгельс номли колхоз раиси Жўрақул Имомов эканини таниди.

— Тинчликми, Жўрақул ака? — сўради ўзига хос мулойим овоз билан.

— Бир келмасангиз бўлмайди. Қоровултепадаги Тошмурэдни биласизку, ғўзасини коллектор суви билан суғорган экан, қуриятпи!

Одилжон биринчи секретарь сўраган маълумот учун ўйлаган фикрларини қисқа-қисқа ёзди-да, қоғозларни йиғиштирди...

У кўзларига ишонмасди. Суғорилган эгатлар қорайиб, тарашадек қотган, ғўзалар қуриб, шоналар бандидан тўкилабошлаган эди.

— Билиб туриб шу сувдан қўйдингизми? — сўради Одилжон ачиниб.

— Нима қилай, ука, бригаданинг ўттиз аъзоси риза рўзини ана шу ердан олмоқда. Агроном билан мироб эса сув десанг нуқул «тегирмон навбати билан дейди!» Навбатни қарасак... Бригадир кўзига ёш олди.

Агротехника ўқувида «сувда 4 граммдан ортиқ туз бўлса, ниҳолни қуритади» деб эшитмаганмидингиз?! Энди ариқ сувидан суғориш керак.

— Қани ўша ариқ суви? —бригадир яна зорланди.

— Ҳозир топамиз. Одилжон пайкал оралаб этаккача борди. Дўнгга чиқиб чўнқайди. У нималарнидир изларди. Туриб нари борди. Қиёқларни юлиб аллақандай чуқур атрофини тозалай—бошлади. Бу — қудуқ эди. Кесак ташлаган эди, чўлп этган овоз чиқди.

— Бу қандай қудуқ бўлди экан? — сўради бригадир.

— Ер ости сувини пасайтириш учун қазилган вертикал дренаж қудуғи, — деди Одилжон. У бундай қудуқлардан 5 тасидан одатдагидек сув чиққанини кўрган. Бу қудуқларнинг сувини ишга солиб, зовур суви билан 1000 литр сувни ғўзага бурган. Шунинг учун қудуқнинг сувини татиб кўрмоқчи бўлди. Челак билан арқон топиб келишди.

— Мана, сиз излаган сув! — деди Одилжон татиб кўрган. Унинг юзида қувонч ва фахр ҳиссси балқирди. Бу қувончдан бригадирнинг қалби ҳам учқун олди. У ўтларни тепкилаб, қудуқ оғзини кенгайтирди. Арқонга оғир темир боғлаб, қудуққа туширишди. Сўнг жим қулоқ тутишди. Темир «шўлп» этиб сувга теккандан кейин ҳам арқон бир метрлар чамаси бўшатилди.

— Суви кўп. Насос ўрнатиш керак, — дейди Одилжон. Қудуқдан 50 литр чамаси сув чиқа бошлади. Ҳамма мамнун эди.

— Энди бу сувга зовур сувидан қўшиб фойдалансангиз ҳам бўлади, — деди у қўшни хўжаликнинг Жалақудуқ массиви томон йўл олар экан.

...Офтобга тухум қўйса, пишади. Эндигина ерни яшира бошлаган ниҳоллар қилт этмайди. Ғўза орасида димиққан иссиқ димоққа уради. Бошига ҳарир дока ташлаган қизлар ялла айтиб ғўзага ишлов беришади. Одилжон бригадирни ёнига олиб, пайкал этагига қараб йўл олди.

— Қанақа деҳқонлигингизни бир ўйлай, — дейди у ҳазил аралаш. — Асил пахтакор пайкалнинг этагини яхшилайди...

Бригадир қизаргандек бўлди. Бунинг боиси бор экан. Улар кўлларга карта бошидан чиқиб қолишди.

— Саратонда сув қўллатган сувчи — сувчи эмас, — деди у. Ахир, бу — ниҳолнинг остида сув қайнатиш билан баробар-ку. Бундай суғоришда ғўзани эмас, бегона ўтни яшнатасиз.

Суачилар эгат бошларини чимлаб бўлгунча бригадир билан Одилжон сувни ўқ ариққа очишди. Оқава шитоб билан ўзини ариққа урди. Ариқ тўлиб, эгатларга оқди. Ипакдек ишланган ерга шимилган сув тупроқ остидан ниҳолларга ҳаёт бахш эта бошлади. Одилжон муҳим хавфнинг олдини олгандек енгил нафас олди. Кўнгли таскин топди...

* * *

Касбга қўйилган биринчи қадамни ҳеч ким ҳеч қачон унутмаса керак. Одилжон ҳам асло унутмайди. У етим эди. Отаси фронтда ҳалок бўлиб, онаси қўлида қолганди. Муштипар она уч гўдакни боқиш ташвишидан бошқани ўйламасди. Одилжон ўрта мактабни тугаллаётган пайтлар эди. Бир куни яқин дўстининг отаси, район сув хўжалигининг гидротехники Қодиркул ака унинг келажаги ҳақида гап очиб қолди.

Сенга менинг касбимни олишни маслаҳат берардим, — деди у. Йигит индамади.

— Сувдек азиз бўласан, — гапида давом этди Қодиркул ака, — воҳамизга сув азиз. Сувсиз ҳаёт ҳам, ҳосил ҳам бўлмайди. Шундай экан, гидротехник ҳам мамлакатимиз учун энг зарур кадр.

Одилжон бу гапдан анча жонланди. Яна ажабланди ҳам. «Гидротехник кончимидики, йўқ сувни бунёд этса?!» ўйлади у.

— Сувни қўпайтириш гидротехникнинг қўлидами? — сўради у.

— Албатта. Биз ҳар йили Зарафшон ва Сангзор дарёсида, Туяртортар каналида, қолаверса райондаги 12 арикда қанча ишлар қиламиз...

* * *

Йигит аввал Қодиркул акани сувни тескари оқизадиган сеҳргарга ўхшатди. Сўнг сув ҳақида шу киши сингари кўп билишни орзу қилди, унга ҳаваси келди, ҳеч иккиланмай Тошкентдаги гидромелиорация техникумига йўл олди.

Одилжон гидротехник қилиб юборилган 76-от заводи ламмикор хўжалик бўлиб, ўша йили оғир аҳволга тушиб қолган эди. Унинг сел сувлари йиғиладиган ва шу туфайли энг серҳосил бўлган участкаси Жиззах сув омбори заминида қолган эди. Маъмурият дон етиштиришни аввалги йиллардагидан камайтирмаслик чораларини изларди.

— Янги қишининг кўзига имконият тез ташланади, — деди директор. — Қани, гидротехник, сиз нима дейсиз?

— 4-бўлим ерларига умид билан қараяпман, — деди у оҳиста, — шу ерларни ўзлаштириб Жанубий Мирзачўл каналидан сув чиқарса бўлади.

Совхоз директори ёш мутахассиснинг режасига қизиқиб қолди.

— Ҳар гектар суғориладиган ердан 10 гектар баҳори ернинг ҳосилини олиш мумкин, — деди у. Сўнг Одилжонга иш ҳажмини белгилаб чиқиш вазифасини топширди.

Йигит нивилер билан ерларни текислаш учун канча меҳнат талаб этилишини чамлади. Канал йўлларини чизди. Кўп эмас, ўн кунда 100 гектар ер очса бўлади, деган қарорга келди. Инженер Загродин ҳам унинг мўлжалини тасдиқлади. Иш юришиб кетди.

— Энди бу ерда иш деганда шер бўладиган йигитлар керак,— деди у директорга.

— Уни ҳам ўзинг топасан, ахир комсомоллар сардори ўзингсанку!

Одилжон оловқалб комсомолларни йиғиб олди. Отабек Қўшбоқов, Янгибой Абдуллаев... Бахор қуёши сарғайтирган олтин ранг чўлда 300 гектарлик яшил водий пайдо бўлди. Областда биринчи бўлиб суғориладиган ғалла шу ерда экилган эди. 30 центнердан марра қилиб олишган азаматлар шу йили ҳосилдорликни 40 центнерга етказдилар. Ғаллакорлар ёш коммунист Одилжондан беҳад мамнун эдилар.

Мирзачўлнинг келажаги Одилжонда янги туйғулар уйғота бошлади. Бунинг учун катта мутахассис бўлиш кераклигини ҳис этди у. Ниҳоят, ўзининг ёшликдаги орзуси — Тошкент қишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва механизациялаш инженерлари институтига ўқишга ҳужжат топшириб, синовлардан муваффақиятли ўтди. Уни район қишлоқ хўжалик бошқармасига ишга олишди. Бу ерда Одилжонни яна ҳам масъулиятли ишлар кутарди. Вилт пахтакорларни шоширганда инженер-ирригаторнинг ташвишлари янада ортиб кетди. Эндиги вазифа касалланган ерларга вилтга чидамли янги навлардан экиб, алмашлаб экишга кўпроқ ер ажратиш. Бунинг устига область хўжаликлари учун етиштириладиган «108-Ф» навли пахта уруғлиги салмоғини камайтирмасликдан иборат эди.

1969 йилнинг декабрида Жиззахда 10 минг гектар янги ер ўзлаштириш юзасидан область партия комитетининг қарорини бажаришга киришилди. «Москва» колхозининг Қизил учқун, Жалақудуқ, Ҳамид Олимжон номли колхознинг Қўрғонтепа, Энгельс номли колхознинг Тоштепа, «Узбекистон»нинг Жийронқудуқ массивларига ҳужум бошланди. Ҳужумни «Москва»ликлар бошлаб бердилар. Одилжон чўлқуварлар билангина эмас, канал қазувчи техника жиловкорлари ҳамда лойиҳа тузувчи отрядлар билан ҳам бирга юриб, бирга турди.

Қисқа вақт ичида Жиззах сув омборидан сувни 15-25 метр баландликка кўтариб берувчи 5, Жанубий Мирзачўл каналида эса 1 та насос станциялари қурилди. Суғориш системасида лоток билан бирга ёпиқ дренаж системалари ҳам жорий этилди. Ҳозир «Москва», Навоий номли, Жданов номли, Ҳамид Олимжон номли колхоз далаларида 120 километрдан кўпроқ ёпиқ дренажлар ишлаб турибди. Бу суғориш тармоқлари Жиззах чўлига хизмат қилмоқда.

* * *

Одилжон бугун ҳам даладан кеч қайтди. Пешайвон қаршисидаги райҳонзор олдига қўйилгансим каравотга омонатгина ўтирди. Ума йўлдош Оқила кўзларини уқалаганича, унинг олдига стол қўйиб, устига дастурхон ёзди. Газ плитага чой қўйиб, чинни косада овқат келтиради.

— Қишлоқда тўй бор эди, бор дингизми? — секин сўради у.

— Қайдам. Одилжон елкасини қисди. У бундай ўйлаб қараса, наврўздан бери бутун умри далада ўтибди. Ҳа, бу йил деҳқончилик учун анна ноқулай келди. Сув муаммосини айтмайсизми?

— Одамгарчиликни қишда қиламиз, — деди у. — Ҳозир иш палласи.

У ёстиққа бош қўйди. Лекин уйқуси келмади. Унинг ҳаёлини ўз ҳаёти, умри ҳақидаги ўйлар тўғиларди. У умрининг лоткларда тўлиб оқаётган сув сингари бефойда оқмаётганини яна бир бор ҳис қилди.

Ҳа, ҳар гал далага чиққанда каналларда, лоткларда, ариқларда тўлиб, мавжланиб оқаётган сувга узоқ тикилиб қолади. У сувни вақтга ўхшатади. Вақт — бу ҳаёт, инсон умрини гўзаллик билан безайди. Сув ҳам ҳаёт. У боғларга, дала ва чўлларга ҳаёт бағишлайди. Мева-чевага шарбат бўлиб сингади, пахтага кут-барака бўлиб киради. Ундан эса одамлар баҳраманд бўладилар. Сувни инсонга унумли хизмат қилдириш учун Одилжон сингари дарғалар керак. Одилжон сувнинг ҳаётга кўпроқ фойда бериши учун 25 йилдан бери толмай ишлаб келмоқда. Бу иш унга завқ беради. Завқланганда қалбида сув ишки, сув қўшиғи янграйди.

**Нўъмонжон МИРЗАЕВ.**

## ОЗАРБАЙЖОН ТИЛИДА

БОКУ, 2 август. (ТАСС). Озарбайжон «Азэрнешр» давлат нашриёти КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежнев нутқлари ва докладларидан иборат «КПССнинг аграр сиёсати масалалари ва Қозоғистон қўрик ерларининг ўзлаштирилиши» номли китобни озарбайжон тилида нашр қилди.

Урток Л. И. Брежневнинг 1954 йилдан 1973 йилгача ўтган даврмобайнида сўзлаган нутқларини ўз ичига олган бу тўплам партиянинг коммунистик қурилиш ҳозирги босқичида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш соҳасидаги сиёсатига бағишланган.

## Биологларнинг халқаро семинари

Халқаро учрашув китоб юбилейига бағишланадиган ҳоллар камдан-кам учраб туради. Куни кеча Москва Давлат университетининг мажлислар залида очилган халқаро семинар бу сафар совет олими, академик А. И. Опариннинг «Ҳаётнинг пайдо бўлиши» деган китоби нашр этилганлигининг 50 йиллиги шарафига чақирилди. Халқаро илмий жамоатчилик бу улкан асарга бундай юқ қизиқиб қараётганлигининг сабаби шуки, китобда ҳаётнинг пайдо бўлиши илмий назариясининг асослари жаҳон фани тарихида биринчи марта таърифлаб берилди.

Европа, Осиё, Америка мамлакатларидан келиб, халқаро рисида мамлакатимизда вужудга келтирилган таълимотнинг лейнга бағишланадиган ҳоллар учрашувда қатнашаётган олимлар ҳаётнинг пайдо бўлиши тўғрисида ривож топганлигидан далолат берувчи илмий докладларни семинар муҳокамасига тақдим қилдилар.

Учрашув 7 августгача давом этади.

(ТАСС мухбири).

# ПЛАНЕТАМИЗДА

## БИРИНЧИ ОЛИЙ МАКТАБ

ДЕҲЛИ, 5 август. (ТАСС). Сакким ҳукумати Ҳимолой князлигининг пойтахти Гантгокда мамлакатда биринчи олий ўқув юрти ташкил этишга қарор қилди. Бу мактаб гуманитар ва савдо фанларини ўргатувчи коллеж бўлади. Ҳукумат Калькутта университети маъмуриятига мурожаат қилиб, бу коллежни университетнинг филиали деб ҳисоблашни илтимос қилди.

## ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА ҲАМКОРЛИК

**ДЕҲЛИ, 5 август. (ТАСС). Ҳиндистоннинг таниқли экономисти Р. К. Шарма «Нэшнл Геральд» газетаси саҳифаларида бундай деб ёзади: «Тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида тузилган Ҳиндистон — Совет шартномаси ҳар иккала мамлакатларимиз ўртасида мавжуд дўстона ва яхши қўшничилик муносабатларининг ёрқин далилидир».**

9 августда шу тарихий ҳужжат имзоланганига уч йил тўлади. Бу воқеага бағишланган мақолада КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг Ҳиндистонга қилган визити ҳар иккала мамлакат ўртасида ўзаро фойдали савдо ва иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтириш ва ривожлантириш учун янги ажойиб истиқбол яратди, дейилади. Шу визит натижасида Ҳиндистон билан СССР ўртасида иқтисодий ва савдо ҳамкорлигини янада ривожлантириш тўғрисида узоқ муддатга мўлжалланган битим Ҳиндистон — Совет савдо оборотини анча кўпайтиришни назарда тутади.

Мақола автори кейинги 20 йил мобайнида ҳар иккала мамлакат ўртасида савдо оборотининг ўсишига ижобий баҳо берган ҳолда Совет Иттифоқи билан алоқа Ҳиндистонда энг асосий саноат тармоқларини яратишга имкон беришини уқтириб ўтади. СССР ёрдами билан Ҳиндистонда қурилган ёки қурилаётган 70 та саноат объектидан 50 дан кўпроғи ҳозир металлургия, нефть қазиб чиқариш ва нефть тозалаш, кўмир чиқариш, энергетика машинасозлик соҳаларида ишламоқда. Бу саноат корхоналарининг муваффақиятли ишлаши мамлакатда ажнабий монополистик капиталнинг мавқеига катта путур етказди, миллий экономиканинг янада тезроқ ривожланишига ёрдам берди.

## ҲИНДИСТОН БИЛАН ПОКИСТОН ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАР

**ДЕҲЛИ, 5 август. (ТАСС). Ҳиндистон ташқи ишлар министри Сваран Сингх Покистон Ташқи ишлар министри Азиз Аҳмадга мактуб йўллади.**

Бу мактубда Жанубий Осиё қитъасидаги вазиятни нормаллаштириш учун Симлада имзоланган битимда кўзда тутилган тадбирларни амалга ошириш ғоят зарурлиги уқтириб ўтилади.

Ҳиндистон информация агентлиги Сваран Сингхни мактубига ҳар иккала мамлакат ўртасида почта, телеграф ва бошқа алоқаларни қайтадан тиклаш тўғрисида Покистон билан музокаралар олиб боришга яна бир интилиш, деб баҳо бермоқда.

КАРОЧИ, 5 август. (ТАСС). Покистон Бош министри З. А. Бҳутто Кветтада бўлиб ўтган оммавий митингда сўзга чиқиб, Ҳиндистон ҳукумати билан музокараларни яна бошлаб юборишга тайёр эканлиги тўғрисида Ҳиндистон ташқи ишлар министри Сваран Сингхнинг баёнотини зўр мамнуният билан қутиб олганлигини таъкидлади. Бизлар, деди бош министр, Симла битимлари руҳида Ҳиндистон билан музокаралар бошлашга тайёрмиз.

Совет табиий гази қувурлар ёрдамида Италияга юборилмоқда. 1977 йилга келиб бу мамлакатга ҳар йили 6 миллиард кубометр газ юборилиши мўлжалланмоқда.

Суратда: газ тармоқларидан бирининг қурилиши.

(ТАСС фотохроникаси).

## Намибияда озодлик кураши кенгаймоқда

АДДИС-АБЕБА, 5 август. ТАСС мухбири А. Осипов хабар беради:

Намибия халқи озодлик йўлида қатъий ғалабага эришгунча қуролли курашни давом эттиришга аҳдпаймон қилди деди Ғарбий—Жанубий Африка халқ ташкилоти марказий комитетининг бу ерга келган аъзоси Хоматени Калуенья.

У ТАСС мухбири билан суҳбатда кейинги вақтларда жанубий африкали босқинчилар Намибияда авж олдирилган оммавий террор кампанияси бу курашга халақит беролмайди деб таъкидлади. Мамлакатга қотилларнинг янги бўлинмалари юборилмоқда. Уларнинг умумий сони ҳозир 40 минг кишига етди, деб хабар берди у. Минг-минглаб намибияликлар ҳибсга олинган. Бўлар орасида Ғарбий-Жанубий Африка халқ ташкилотининг миллий раиси Дэвид Марэро, ёшлар иттифоқининг раҳбари Э. Таапони бор. Жанубий Африка полициясининг қамоққа олган бошқа кўп кишиларнинг тақдири ҳали номаълум. Қамоққа олинган ватанпарварларнинг кўпчилиги Жанубий Африка турмаларида ва лагерларида сақланмоқда, бу ерда улар ваҳшийларча азоб-уқубатларга дучор қилинмоқда. Иркчилар ғоят хавфли деб топган кишиларни қамоқ ороли Роббевга жўнатмоқдалар.

Жанубий Африка босқинчилари озодлик курашининг кенг қулоч ёйганлигидан қўрқиб халқимиз ўртасида парокандалик солишга миллий ва қабилавий низо туғдиришга уринмоқдалар. Улар шу мақсадда ҳамма жойда бантустонликларни зўрлик билан ишга қўйиш, қабилаларнинг бир гуруҳ бошлиқларини сотиб олиш сиёсатини олиб бормоқдалар.

Лекин Намибия диёрида Жанубий Африка иркчилари режимининг саноқли кунлари қолди деди Х. Калуенья.

## ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

АНҚАРА. Туркия Гвинея-Бисауни таниди. Туркия ташқи ишлар министрлигининг шу хусусдаги баёнотида Туркия ҳукумати Гвинея-Бисау билан, шунингдек Африкадаги бошқа давлатлар билан муносабатларни ривожлантириш ниятида эканлиги таъкидлаб ўтилади.

БОНН. Германия Федератив Республикасида 1960 йилдан то ҳозиргача бўлган давр ичида кинотеатрлар сони икки баравардан зиёд — 7 мингтадан 3.232 тагача камайди.

ГАВАНА. Кубадаги Қамагуэй вилоятининг Чамбас посёлкасида янги кенг экранли кинотеатр очилди. У Совет Иттифоқида тайёрланган энг янги проекцион аппаратлар билан таъминланган бўлиб, 450 томошабинга мўлжалланган-дир.

КАРАКАС. Венесуэла билан Болгария дипломатия муносабатларини ўрнатиш тўғрисида қарор қабул қилдилар.

АККРА. Гана ҳукуматининг қарори билан мамлаватда махсус комитет тузилди. Бу комитет чакана савдо системасида ажнабийларнинг саноқли кунлари қолди деди Х. Калуенья.

# ХАЛҚАРО ОБЗОР

## ПОРТУГАЛИЯДА МУСТАМЛАКАЧИЛИКНИНГ ЕМИРИЛИШИ

ГВИНЕЯ — Бисау, Ангола ва Мозамбик халқларининг ўз тақдирини ўзи белгилаш, шу жумладан мустақиллик ҳуқуқини тан олиш тўғрисида Португалия давлат кенгашининг қарори мамлакатнинг ўзида ҳам, шунингдек бутун дунёда, айниқса Африкада зўр мамнуният билан кутиб олинди.

Лиссабонда коммунистик, социалистик ва халқ-демократик партиялари уюштирган оммавий митинг бўлиб ўтди. Митинг иштирокчилари ҳукуматга мурожаат қабул қилдилар. Улар шу мурожаатда Португалия халқи номидан, «Мустамлакачилик даври тугаганлиги муносабати билан шодхуррамлик ҳисларини» ифода этдилар. Ўт очишни тўхтатиш эълон қилинган Мозамбикда кечагина бир-бирига қарши жанг қилган Мозамбик озодлиги ватанпарварлик фронтининг жангчилари билан Португалия армиясининг солдатлари биргалашиб йўлларни миналардан тозалашга киришдилар. Маҳаллий аҳоли, шу жумладан оқ танлилар ўрмонлардан чиқиб келаётган ватанпарварлик фронти партизанларини самимий кутиб олмоқдалар. Анголада чиқадиган газеталар бу мамлакатда яқин орада Африка ҳукумати раҳбарлиги оситда тинчлик барқарор бўлади деб ишонч билдирмоқдалар.

Португалия Африкадаги ерларини беш юз йиллдан кўпроқ вақт эксплуатация қилиб келди. Салазар-Каэтану бошчилигидаги фашист режим Ангола, Мозамбик ва Гвинея-Бисау халқларининг озодлик ҳаракатини куч билан бостиришга уриниб келди.

Мустамлакачилик уруши 12 йил давом этди. Ҳеч қандай истиқболга эга бўлмаган бу урушнинг давом эттирилиши Каэтану диктатура режимини ағдариб ташлаган энг асосий сабаблардан биридир.

Лиссабонда ҳам, шунингдек мустамлакалардаги муайян доиралар ўртасида ҳам ҳукуматнинг янги қарорини ҳатто Португалия манфаатларига «хиёнат қилиш» деб ҳисоблаётган кишилар ҳам бор, албатта. Аммо прогрессив кучлар бунга тамомила бошқача фикрни билдирмоқдалар. Улар мустамлакачилик урушининг тўхтатилиши мамлакат экономикасини жуда катта ҳарбий чиқимлардан халос этибгина қолмай, шунингдек Португалиянинг халқаро майдонда яккаланиб қолишига хотима беради, социалистик мамлакатлар билан, Африка ва Араб мамлакатлари билан муносабатларни янада ривожлантириш йўлини очиб беради деб таъкидламоқдалар. Португалия Коммунистик партиясининг бош секретари А. Куньял: «Африкадаги территорияларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига эга эканлигини эътироф этиш — Португалия тарихида бурилиш нуқтасидир», — деб айтди.

Чет эл матбуотида Гвинея ва Яшил Бурун ороллари мустақиллиги партияси ватанпарварлик ҳаракати ўз мамлакатини мустақил деб эълон қилгандан кейин Гвинея-Бисау республикаси Португалия суверен давлат деб эътироф этган собиқ уч мустамлаканинг биринчиси бўлиб қолади, деган фикр ифода этилмоқда. Ангола билан Мозамбикнинг истиқболи тўғрисида ҳам музокаралар олиб бориш планлаштирилмоқда.

## ВЕНАДАГИ УЧИНЧИ УЧРАШУВ

МАРКАЗИЙ Европада қуролли кучлар ва қурол-яроғларни камайтириш тўғрисида олиб борилган музокараларда иштирок этган 19 давлатнинг вакиллари Венадан ватанларига жўнаб кетдилар. Музокараларда ёзги танаффус эълон қилинди. Музокараларда қатнашган мамлакатларнинг пойтахтларида ҳозир учинчи давра якунланмоқда, томонларнинг тутган позицияси анализ қилинмоқда, музокараларнинг истиқболи муҳокама этилмоқда.

Ўтган йил ноябрь ойидан бери ора-орада танаффус қилиб ўтказилган музокаралар Европадаги ҳарбий кескинликнинг камайганлигини сиёсий кескинликни камайтириш билан тўлдириши керак эди. Бу жуда оғир ва мураккаб проблемадир. Чунки бу проблема музокараларда қатнашувчи мамлакатларнинг ҳавфсизлигига бевосита алоқадордир. Кўпчиликнинг фикрига кўра, музокаралар ноғида муайян жиддий иш қилинди. Проблемаларнинг ҳамма жиҳатлари хусусида батафсил маслаҳатлашиб олинди, музокараларда қатнашувчи барча мамлакатларнинг бу проблемага умуман ёндошуви, шунингдек улар тутган позициянинг конкрет деталлари аниқланди. Барча манфаатдор томонлар шу муҳим соҳада конкрет битимга эришишга интилаётганлигини айтдилар.

Социалистик мамлакатларнинг тутган позицияси СССР, ГДР, ПХР ва ЧССР делегациялари томонидан киритилган битим лойиҳасида ўз ифодасини топди. Бу лойиҳа ўзининг конкретлиги билан ажралиб туради ва томонлардан бирортасининг ҳем ҳавфсизлигига путур етказмаган ҳолда қўшинларни ва қурол-яроғларни баббаравар ва комплекс қисқартиришдан иборат адолатли принципларга асосланади. Шу лойиҳага кўра битим иштирокчилари бўлган Бельгия, Англия, ҒДР, Канада, Люксембург, Голландия, Польша, СССР, АҚШ, ҒФР ва Чехословакия яқин йиллар мобайнида тенг асосларда марказий Европада ўз қуролли кучларини бир неча ўн минг киши қисқартиришлари керак. Танклар, самолётларни, ядро қуролини ва уни етказиб бериш воситаларини қисқартириш назарда тутилади. Социалистик мамлакатларнинг таклифлари қўшинларни ва қурол-яроғларни тўплашни анча камайтириш йўли билан Европа марказида ҳарбий кескинликни камайтиришни таъминлайди.

Қуролли кучларни ва қурол-яроғларни камайтириш тўғрисида Ғарб мамлакатлари қилган таклиф тенг ҳуқуқлилик, баравар қисқартириш, томонларнинг ҳавфсизлигига зарар етказмаслик принципларига хилофдир. Ғарб мамлакатлари аввало фақат СССР билан АҚШнинг қуруқликдаги қўшинларини қисқартиришни таклиф этмоқда. Бундан ташқари НАТО мамлакатлари билан Варшава Шартномаси мамлакатларининг қуруқликдаги кучлари ўртасида номутаносиблик мавжуд деган баҳона билан Совет Иттифоқи Европа марказидан АҚШга қарагандa икки ярим баравар кўп миқдорда ўз қўшинларини олиб кетиши керак, деб таклиф қилинмоқда. Бошқа ғарбий давлатларнинг қуролли кучларини камайтириш эса номуайян муддатга қолдирилмоқда. Ҳолбуки, АҚШнинг НАТОдаги ҒФР ва Буюк Британия сингари ҳарбий жиҳатдан «салмоқли» иттифоқчилари ҳам шу жумлага киради. Бу таклиф ҳақиқатда жаҳоннинг шу районида вужудга келган ҳарбий тенгликни НАТО фойдасига ўзгартиришга уринишдан иборатдир. Ғарбий давлатлар таклифининг яна бир муҳим нуқсони шундаки, бу таклиф ядро қуроли билан шайланган ҳарбий ҳаво кучлари қисмлари тўғрисидаги масалани умуман четлаб ўтади. Мана шуларнинг ҳаммасини назарда тутганда, НАТОнинг муътабар доиралари ўз қуролли кучлари ва қурол-яроғларини амалда қисқартиришдан бош тортишга уриниб, ҳали ҳам ҳийла-найранг қилмоқдалар, деган таассурот туғилади.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев яқинда Варшавада Польша сейми сессиясида сўзлаган нутқида бундай деди: «Бошқа социалистик мамлакатлар каби Совет Иттифоқи ҳам қуролланиш пойгасини чеклашни, сўнгра эса қурол-яроғларни қисқартиришни кўзда тутувчи қатъий норалар қуришга тайёр эканлигини неча марталаб айтди. Яна бир марта такрор айтамизки, жумладан, биз Европада қуролли кучларни ва қурол-яроғларни қисқартириш тўғрисида келишиб олишга тайёрмиз».

Совет Иттифоқининг бу позициясини фақат Европадагина эмас, шунингдек бошқа мамлакатларда ҳам жамоатчилик тобора кўпроқ тушуниб, кенг қўллаб-қувватламоқдалар.

**С. КУЛИК,**
**И. ЛАПИЦКИЙ,**
(ТАСС).

## Ўзбекистон Ахборот

САНЪАТ ЯҲГИЛИКЛАРИ

### ИЖОДИЙ ҲИСОБОТ

**Театр ва ижодий коллективлар учун ўзига хос ижодий ҳисобот, қилинган ишлар кўриги бўлган гастроллар айни вақтда санъат мухлисларини кўпайтиришнинг таъсирчан воситаларидан биридир. Ҳар йили ёзда театр ва ижодий коллективларнинг сафарга чиқиши, республикамиз шаҳар-қишлоқларида ўз санъатларини намойиш этишлари анъана бўлиб қолган. Қуйида ана шундай хабарлардан баъзилари ёритилаётир.**

* * *

НАМАНГАН. Муқимий номидаги ўзбек давлат музикали драма театрининг Наманган областидаги гастроллари грузин драматурги А. Цигарелнинг «Хонума хоним» спектакли билан бошланди. Наманганлик санъат мухлислари пойтахт театри ижодий коллективи ижросида Иброҳим Раҳим ва Ҳамид Раҳимовларнинг «Жоним фидо», Фарҳод Мусажонов, Абдураҳим Муҳамедов, Наби Халиловларнинг «Олифта», Озарбайжон адиблари С. Ризҳмон ва Эмин Собит ўғлининг «Хижрон» каби янги спектакларини, шунингдек, катта программадаги концерт номерларини томоша қилдилар.

Театр коллективи Наманган-даги завод ва корхоналарда, колхоз ва совхозларда ижодий учрашувлар, суҳбатлар ўтказганидан кейин Киргизистон ССРнинг Ўш шаҳрига гастролга ўтади.

**Л. ҒАФФОРОВ.**

* * *

ФАРҒОНА. Алишер Навоий номидаги Наманган область музикали драма ва комедия театри коллективининг Фарғонадаги гастроллари муваффақиятли ўтди. Наманганликлар бу ердаги сафар вақтида «Лайли ва Мажнун», «Анвар ва Раъно», «Олифта» каби бир қанча спектакларни намойиш этишди. Бундан ташқари улар ўн кун мобайнида областнинг турли шаҳар ва районларида катта программада концерт бериб, санъат мухлисларини хушнуд этдилар.

**Қ. МАДУМАРОВ.**

* * *

ХОРАЗМ. Андижон область музикали драма ва комедия театри артистлари Урганчга ташриф буюриб, кўҳна воҳа меҳнаткашларини ўз санъатлари билан ром этдилар. Оғаҳий номли область театри биносида «Холисхон» пьесасини намойиш этиш билан бошланган гастроль вақтида андижонликлар областнинг барча район меҳнаткашлари ҳузурида ранг-баранг программада концерт бердилар.

Хоразмлик томошабинлар замонавий мавзуда ва тарихий спектакллар билан ташриф буюрган Андижон театри ижодий коллективининг маҳоратини юксак баҳолашди.

**С. АВАЗМУРОТОВ.**

* * *

АНДИЖОН. Ўзбекистон Давлат филармонияси қошидаги «Лазги» ансамблининг хушовоз хонандалари, ўйинчи қизлари ва лапарчилари Андижон областида ўз санъатларини намойиш этмоқдалар. Ансамбль аъзолари иштирокида берилаётган концертлар томошабинларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

**Н. ИНОҚОВ.**

ФЕСТИВАЛЬ

### ИККИНЧИ ИСТЕЪДОД

Яқинда Жиззах шаҳрида Ўзбекистон ССР ва Узбекистон Компартиясининг 50 йиллиги шарафига район маданият уйлари бадиий ҳаваскорларининг область фестивали ўтказилди. Фестиваль қатнашчилари саҳналаштирилган рақс, янги кўшиқ ва лапарларни томошабинлар ҳукмига ҳавола қилишди.

191 балл тўплаган Фориш районни бадиий ҳаваскорлари фестивалда биринчи ўринни олдилар.

**Ҳ. РУСТАМОВ.**

### МАКТАБЛАР ШАЙ

Хоразм областида мактабларни янги ўқув йилига тайёрлаш тадбирлари изчиллик билан амалга оширилмоқда. Бу умумхалқ ишида оталиқ ташкилотлари, колхоз ва совхозлар, бутун жамоатчилик актив иштирок этяпти.

Гурлан районида мактаблар ремонти поёнига етказилганлиги, янгидан 68 та фан кабинети, 22 та таълим устахонаси ташкил қилинганлиги ҳақида хушхабар олинди. Ўқитувчиларнинг уй-жойлари тўла ремонт қилинди. Қишга етарли ёқилғи тайёрлаб қўйилди. Устахона ва кабинетларни жиҳозлаш, спорт иншоотларини ускуналаш барвақт ўтказилди. «Узсельхозтехника» район бирлашмаси, Алишер Навоий номли ва «Правда» колхозлари мактабларга яқиндан оталиқ ёрдамини кўрсатмоқда. Урганч, Хива шаҳарлари мактаблари ҳам янги ўқув йилини ҳар тарафлама пухта тайёргарлик билан кутиб олмоқдалар.

**Ф. ЗОҲИДОВ,**
**«Совет Ўзбекистони» мухбири.**



Республика юбилей объектларида. Тошкентда энг йирик «Ўзбекистон» меҳмонхонасининг қурилиши ниҳоясига етказилмоқда. Суратда меҳмонхонанинг ташқи кўриниши.

И. Глауберзон фотоси.

Республикамиз меҳнаткашларининг Узбекистон ССР ва Узбекистон Компартиясининг шонли 50 йиллик байрамини муносиб кутиб олиш ҳаракати тобора кенг кулоч ёзмоқда. Бу умумхалқ ҳаракатига қўшилиб, ишлаб чиқаришда илғорлик қилаётганлар орасида Фарғона пойафзал фабрикасининг ишчиси Насиба Қозижонова ҳам бор (юқоридаги сурат). У кунлик смена топшириқларини 140-150 процент қилиб адо этмоқда. Марғилон шойи тўқиш комбинатида эса юбилей шарафига янги газмолларнинг ранг-баранг нусхалари яратилмоқда. Пастдаги суратда—корхона рассоми З. Герфанова коласи йили ишлаб чиқаришга жорий этиладиган газмол нусхаларини кўздан кечираётир.

А. Тўраев ва В. Сироткин фотолари.

*Қандай дам оляпсиз?*

# АНДИЖОН ОРОМГОҲЛАРИДА

Бизда меҳнат аҳли мазмунли яшаши ва миришиб дам олиши учун жуда катта имкониятларга эга. Ишчи ва хизматчилар икки кун дам олинадиган беш кунлик иш ҳафтасига ўтказилгани бунинг ёрқин далилидир. Бир йилда бир кишининг бўш вақти меҳнат отпускасини кўшиб ҳисоблаганда 133 кунни ташкил этади.

Бўлтўр Андижон областида 3343 киши курортга борди. Бир путевканинг баҳоси ўртача 110 сўм. Курортга борган киши унинг 30 процентини — 33 сўмини тўлади. Қолган 77 сўмини касаба союз ташкилоти берди. Демак, давлат 3343 путёвка учун 258 минг сўм сарфлади.

Ўтган йили областда 4796 киши дам олиш уйларида ҳордиқ чиқарди. Улар ҳам имтиёзли путёвкалардан фойдаландилар. 2437 меҳнаткаш санаторий-профилакторийларда ўз саломатликларини мустаҳкамлади. Улуғ Ватан уруши инвалидларига қўшимча равишда 181 текин путёвка берилди.

Бу йил санаторий ва профилакторийлар, дам олиш уйларига ҳордиқ чиқариш учун бериладиган имтиёзли путёвкалар ўтган йилдагига нисбатан анча кўпайтирилади.

Хуллас, курортга бориш, дам олиш уйларида бўлиш, саёҳатга чиқиш истагини билдираётганлар сафи кенгайиб кетди. Лекин, уларнинг ҳаммасини путёвка билан таъминлаб бўлмайди. Андижон область партия, совет ташкилотлари ана шуни эътиборга олиб, меҳнаткашларнинг доимий дам олиш тадбирларини ишлаб чиқдилар. Областда санаторий-профилакторий очиш ташаббуси бошланган. Шаҳриҳон, Қўрғонтепа, Пойтўғ пахта заводлари қошидаги санаторий - профилакторийларда қанчадан-қанча ишчилар ўз саломатликларини мустаҳкамладилар. Кўқон қишлоқ, Асака пахта заводларида оммавий дам олиш зоналари барпо этилган.

Хўжаобод районидаги «Ленинград» колхози санаторийси олти йилдан, буён меҳнаткашлар хизматида, колхоз шифохонасида сёқ оғриқ, бел оғриқ, бод, тери касалликларига чалинганлар Чортоқ суви билан даволанмоқда. Даволанувчиларга марказий санаторийлардагидек қулай шароитлар яратилган. Санаторийга кун ора Чортоқ суви келтириб турилади. Бу ерда бир вақтнинг ўзида 25 киши даволанади. Биринчи навбатда колхоз тузумининг ветеранлари, сувчилар, механизаторлар ва оддий кишиларга йўлланма берилади. 65 гектарлик боғ қўйнида жойлашган санаторийда ҳозиргача 1800 киши шифо топди.

Фарғона водийсида ажойиб ормогоҳлар кўп. Арслонбопнинг довруғини эшитмаган одам кам. Кўпчилик қадим замонлардан бери эзнинг жазирама иссиқ ойларида дам олиш кунлари ва отпускасини ана шу истироҳатгоҳда ўтказади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Советининг «Фарғона водийсида санаторийлар ва меҳнаткашлар оммавий дам олиш жойларини ривожлантириш тўғрисида»ги қарорида сўнг бу соҳага эътибор яна да кучайтирилди. Область территориясида дам олиш зоналарини кенгайтириш, янги истироҳатгоҳлар қуриш қизғин тус олди. Масалан, Андижон шаҳри яқинидаги Завроқ адирида оммавий дам олиш зонаси қурилди. Унга Боғишамол номи берилди. Кейинги икки йил мобайнида бу ерда хашар йўли билан катта ишлар қилинди. Қирга чиқадиган айланма йўллар қурилди. «Мовий осмон» ресторани, чойхоналар, пахта чаноғисимон фаввора, савдо дўконлари қад кўтарди ва ишга тушди.

Хўжаободнинг Булоқбошисида, Холдевонбекнинг Гумбазида ҳам дам олиш учун барча шарт-шароитлар яратилган истироҳатгоҳлар барпо этилди. Советободни курорт шаҳарга айлантириш учун юриш бошланди. Шаҳар биқинидаги тоғлар, адирларда кишилар ҳордиқ чиқарадиган сайргоҳлар яратилди. Унга «Еттинчи осмон» деб ном қўйилди.

Ширмонбулоқ ормогоҳи ҳақида алоҳида тўхталишга тўғри келади. Бу ер дам олиш учун жуда қулай. ғўзал жой. Боқиб тўймайдиган манзара! Тоғ, боғ, булоқ, канал. Ажабтовур ормогоҳ. Хўжаобод районидаги «Ленинизм», «Правда» колхозлари Ширмонбулоқни Ширмонбулоқ қилгунча озмунча тер тўкмадилар. Юқори партия, совет ташкилотлари хўжаободликларнинг бу ишини қизғин маъқулладилар. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Фарғона водийсида санаторийлар ва меҳнаткашлар оммавий дам олиш жойларини ривожлантириш тўғрисида»ги қарорида «...Андижон область меҳнаткашлари учун Жанубий Фарғона канали соҳилидаги тоғлар районида Ширмонбулоқдан Имомота ва Андижон сув омборларигача бўлган районда дам олиш зоналари ташкил этиш мақсадга мувофиқ», деб таъкидланган.

Шундан сўнг Ширмонбулоқда катта ташкилий ишлар амалга оширилди. Дам олиш зонаси қуриш учун бош план тузилди, лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланди. Давлат йўли билан 300 киши дам оладиган туристик база қуриладиган бўлди. Унга давлат 692 минг сўм маблағ ажратди. Мавжуд боғлардан ташқари 10 гектар боғ яратиш, насос станцияси қуриб, минг метр баландликка сув чиқариш, тоғ бағрида чўмиладиган ҳовуз қуриш мўлжалланган эди...

Орадан беш йил ўтди. Планга мувофиқ туристик база бу йил битиши керак эди. Амалда эса ҳеч қанча иш қилинганй йўқ, унинг қачон битишини аниқ айтиш қийин. Чунки, 692 минг сўм маблағнинг ярми ҳам ўзлаштирилган эмас. Давлат 200 минг сўм пулни нақд бериб қўйган. Аммо уни ишлатадиган азамат йўқ. Тўғри, беш йил давомида анча-мунча ишлар қилинди. Ҳар бири 4 ўринли 50 та коттеж, 40 киши дам оладиган 2 та уй қад кўтарди. Озиқ-овқат дўконлари, чойхона, ресторан, маиший хизмат уйи очилди. Жанубий Фарғона каналига темир-бетон кўприк қурилди.

Беш йил давомида қилинган ишлар ана шулар, холос. Дастлаб ҳамма ташкилот елкама-елка туриб иш бошлади. Кейин иш бўшаштириб юборилди.

Шуниндек, суғориш тармоқлари область бошқармаси, 162-қурилиш трести, область ипак-чилик бошқармаси, область алоқа узели, Андижон машинасозлик, консерва, «Коммунар», «Электродвигатель» заводлари, пойафзал фабрикаси ва бошқа йирик-йирик ташкилотлар ўз маблағи ҳисобига Ширмонбулоқда дам олиш уйлари қуриш тадбирларини белгилашганди. Андижон область партия комитети билан область ижроия комитети бу ташаббусни қўллаб-қувватлаб, 1969 йил 23 апрелда махсус қарор чиқарган эди.

Хўш, ўша қутлуғ режалар амалга ошдими? Йўқ! Ташаббус ташаббуслигича қогозда қолиб кетди. Нега? Бу саволга юқорида номлари тилга олинган корхоналар ва ташкилотларнинг раҳбарлари жавоб берадилар.

Обкомнинг мазкур қарорида Андижон область молия бўлимига ижроком қошида Ширмонбулоқ дам олиш зонаси қурилишини назорат қиладиган махсус орган тузиш вазифаси топширилган эди. Афсуски, бу топшириқ ҳам бажарилмади. Ширмонбулоқ туристик базаси қурилишини жадаллаштириш зарур. Агар у битса йилига 100 минг сўм фойда беради. Қилинган ҳаражатни бир неча йилда қоплайди. Меҳнат аҳлига дам олиш учун катта қулайлик туғилади.

**А. ҚУРОНБОЕВ.**
**«Совет Ўзбекистони» мухбири.**

### ҚИМИЗ БИЛАН ДАВОЛАШ

Чуст районининг доимий шифохоналаридаги беморларга доридармонга қўшиб шифобахш ичимлик — қимиз ҳам берилмоқда. Бу қимизни Фрунзе номли колхознинг фермаси етказиб беряпти. Фермада 320 бия бор. Нилқиларни эркин ўтлатиш учун табиий ўтлоқларнинг борлиги туфайли яқин йиллар ичида жониворлар икки баравар кўпаяди деб мўлжалланмоқда.

Областнинг беш хўжалиги йилқичиликка ихтисослаштирилади.

(ЎзТАГ).

## спорт

**ФУТБОЛ**

**Олий лига командаларининг ўйинлар календарига баъзи ўзгартиш киритилди. Жумладан «Спартак» — «Арарат», «Динамо» (Москва) — ЦСКА, «Динамо» (Москва) — «Қайрат» учрашувлари 13,9 ва 24 август кунлари ўтказиладиган бўлди.**

**ШАХМАТ**

**Халқаро турнирда ўнтадан очко жамғарган гроссмейстерлар В. Тукманов (СССР), Б. Ивков (Югославия) ва В. Янс (ЧССР) фахрли 1-ўринларни эгаллашди. Мусобақани яхши бошлаган совет шахматчиси Тукманов турнирда олти марта ғалабага эришди. Саккиз партияда дурраннга рози бўлиб, фақат Голлердан енгилди.**

**СПОРТ МАСТЕРЛАРИ**

**Республикамизда маҳоратли спортчилар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Яқинда спортнинг самбо тури бўйича яна бир группа полвонлар фахрли унвон эгаси бўлишди. «Спорт мастери» унвонига лойиқ кўрилганлар орасида Р. Салимова («Меҳнат»), динамочи В. Фомин, А. Никонов, Ю. Мусаилов, В. Малиновский ҳамда пахтакорчи А. Шамсиевлар бор.**

**ВОЛЕЙБОЛ**

**Фарғонада мамлакат кубоги учун аёллар командалари ўртасида ўтказилган зонал мусобақалар тугади. Унда «Нефтчи» (Боку), АДК (Олмаота), «Буревестник» (Фрунзе), «Заҳмат» (Ашхобод), «Экран» (Ленинград) ва Тошкентнинг «Автомобилист» коллективлари кўч синашди. Уч коллектив иккинчи босқичда нурашни давом эттириш ҳуқуқини қўлга киритди. Тошкентлик волейболчи қизлар бокулик ва ленинградлик дугоналарига ютқазишса-да, кучлилар баҳсида қатнашадиган бўлдилар. Зона голибларидан иборат 12 коллектив энди мусобақани Одесса шаҳрида давом эттирмоқда.**

## Реклама ва эълонлар


ЎЗБЕКИСТОН ССР ТАЙЁРЛАШ МИНИСТРЛИГИНИНГ
**ТОШКЕНТ ТЕХНОЛОГИЯ ТЕХНИКУМИ**
1974-1975 ўқув йили учун

**УҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ**

**ТЕХНИКУМ: элеваторлар, омборлар, тегирмонларни электр билан жиҳозлаш бўйича техник-электротехниклар, элеваторлар, омборлар, тегирмонларни жиҳозлаш бўйича техник-механиклар; «Бухгалтерия ҳисоби» мутахассислиги бўйича бухгалтерлар; ун-крупа ишлаб чиқариш; донларни ва унинг маҳсулотларини сақлаш бўйича техник-технологлар тайёрлайди.**

8-синф ҳажмида маълумотлилар учун кундузги бўлимда ўқиш муддати — 3 ярим йил, сиртқи бўлимда 4 ярим йил;

Ўрта маълумотлилар учун кундузги ва сиртқи бўлимларда 2 ярим йил;

«Бухгалтерия ҳисоби» мутахассислигида 8-синф ҳажмида маълумотлилар учун кундузги бўлимда 2 йилу 10 ой, сиртқи бўлимда 3 йилу 9 ой; ўрта маълумотлилар учун кундузги бўлимда бир йилу 10 ой, сиртқи бўлимда 2 йил.

**Кирувчилар:** 8. синф ҳажмида маълумотлилар — она тили дан (диктант); математикадан (оғзаки); ўрта маълумотлилар— она тилидан (ёзма) ва химиядан (оғзаки); «Бухгалтерия ҳисоби», «Элеваторлар, омборлар, тегирмонларнинг электр жиҳозлари» мутахассислиги бўйича ўрта маълумотлилар-математикадан (оғзаки), она тилидан (ёзма) топширадилар.

**Ўрта маълумотлилардан ҳужжатлар сиртқи бўлимга 15 августгача қабул қилинади.**

КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ — 20 АВГУСТГАЧА ЎТКАЗИЛАДИ.

**Кирувчилар:** ариза, таржимаи ҳоли, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, 286-формадаги медицина справкаси, 3х4 см. ҳажмдаги 4 дона фотосурат, меҳнат дафтарчасидан кўчирма (сиртқи бўлимга кираётганлар учун) топширадилар.

Мурожаат учун адрес: Тошкент-48, 2-Сельмашский проезди, 15-уй (3, 8, 15, 16, 21, 23, 48-автобусларнинг «Ташсельмаш» бекати).


## ТЕЛЕВИДЕНИЕ

**6 АВГУСТ, СЕШАНБА**

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.00 — МОСКВА. 18.40. — ТОШКЕНТ. 18.45 — Кувнок пионер ёзи. 19.05 — «Ахборот». 19.20 — Узбекистон ССР ва Узбекистон Компартиясининг 50 йиллигига. «Заиғори кема» ижоднорлари». 19.50 — Шеърият мухлисларига. 20.00 — «Овуқа ишлаб чиқаришни мустаҳкамлаш резервлари. (3-кўрсатув). 20.25 — «Ахборот». 20.45— Концерт. 21.30 — МОСКВА. «Вақт». 22.00 — **Футбол: «Шахтер» (Донецк) — «Динамо» (Киев).** ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 11.00 — ТОШКЕНТ. «Тим Талер» (болалар учун спектакль). 12.00 — **«Менинг дадам капитан»** (бадиий фильм). 18.40 — МОСКВА. 18.50— **Спорт программаси.** 20.30 — ТОШКЕНТ. Ҳужжатли кино экрани. 22.30 — **«Уйланмаган ходиса»** (бадиий фильм). УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00 — ТОШКЕНТ. 19.15 — **«Чукотка бошлиғи»** (бадиий фильм). 20.45 — Балет сюитаси (фильм-концерт). 21.25 — «Якорь майдони» (телеспектакль).

## КИНО

**ҚИШКИ БИНОДА**

**Қайтиш йўқ** — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

**Шимолий флот юнгаси** — «СПУТНИК», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (12.00, 14.00, 16.00, 21.30).

**Ихтиро** — «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

**Булутлар ортида осмон** — ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (18.00, 20.00).

**ЁЗГИ БИНОДА**

**Шимолий флот юнгаси** — «ФЕСТИВАЛЬ» **Ихтиро** — «ХИВА».

Ўзбекистон ССР Алоқа министрлиги ва алоқа ходимларининг республика касаба союз комитети СССР Алоқа министрининг ўринбосари Д. Н. Мангельдинга онаси

**Зайнаб МАНГЕЛЬДИНАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги ва Ўзбекистон ССР Театр жамияти правлеиеси Ўзбекистон ССР халқ артисти, Хоразм область музикали драма ва комедия театрининг артисти, Ўзбекистон ССР театр жамиятининг аъзоси

**Ваҳобжон ФАЁЗОВнинг**

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдирадилар ва марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қиладилар.

Ленин орденли Бутуниттифоқ Пахтачилик илмий-тадқиқот институти коллективи институтнинг катта илмий ходими Ф. Қ. Қодирхўжаевга онаси

**Ойша ҲАКИМОВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Тошкент шаҳар Октябрь район халқ маорифи бўлими, маориф ходимларининг район касаба союз ташкилоти ва 45-ўрта мактаб коллективи шу мактаб директори Р. С. Қобуловага акаси

**Қодир АЛЛАБЕРГАНОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдирадилар.

*Элга хизмат—олий ҳиммат*

# МОҲИР УЧУВЧИ

Томди районидаги «Авангард» совхозининг клуби яқинига самолёт келиб қўнди.

— Гена амаки келди! — деб болалар қичқиришганича самолёт тарафга чопқиллаб кетишди.

Гена амаки — «АН-2» самолёт учувчиси Геннадий Степанович Мокроусов бир неча ёш болани кўтариб кабинага ўтказди. Кани, китобларингизни туширишга ёрдам берингилар! Болалар қуршовида қолган учувчи самолёт ёнига ёзиб қўйилган брезентга китобларни таҳлар экан болаларнинг кўпдан-кўп саволларига ҳам жавоб беришга улгурар эди. Менга китоб олиб келдингизми, кинопленка топилдими, география атласини ёдингиздан чиқармадингизми? Йўқ. Барча илтимослар бажарилди. Катталар ҳам, болалар ҳам хурсанд. Оқ йўл, Гена ака! Кўришгунча хайр, Гена амаки! Тезроқ келинг, кутамиз! Самолёт қаноатларини силқитиб бошқа совхоз фермасига, бепоён Қизилқум чўлларига қоракўл қўйларини боқаётган чўпонлар ҳузурига учиб кетди...

Учувчи-инструктор коммунист Геннадий Степанович Мокроусовнинг иш куни шундай ўтади. «АН-2» самолёти эрта тонгдан почта ва юкларни ортиб, Бухоро областидаги Томди районининг олис фермаларига қараб йўл олади. У 12 йилдан бери чўл меҳнаткашларига хизмат қилиб келяпти. Унинг самолёти бирон мартаба ҳам манзилга кечикиб келмаган. У одамлар қаерда кутаётган бўлса, қишин-ёзин ўша томонга қараб ошиқади. Севимли учувчи одамларга нималар олиб бормайди дейсиз. Газета-журнал, китоблар, газламалар, транзистор приёмниклари, телевизорлар, духоба, атлас, люстралар... эҳе буларнинг ҳаммасини ҳисоблаб бўлармиди. Унинг самолёти бамисоли атторлик дўконидек ҳамма нарсага тўлиб-тошган бўлади.

Бугуруслан авиамактабини битириб чиққан Г. С. Мокроусов ҳақида Бухоро граждан авиациясининг авиаотрядидагилар ҳамиша мақтаб гапиришади.

Г. С. Мокроусов энг тажрибали учувчилардан бири бўлиб, социалистик мусобақада бир неча марта голиб чиққан. Мирзоҳид Файзиев ва Валерий Ковалевский, Маҳмуд Саидов ва бошқа учувчилар „уни ўз устозимиз дейишади. Эндиликда, — деб хабар беради ЎзТАГ мухбири А. Фозилов, — унинг шогирдлари ҳам Қизилқумда, йироқ-йироқ яйловлардаги чўпон ўтовларига олиб борадиган трассаларда учишяпти.


СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР. БИЗНИНГ АДРЕС: 700.029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 * ТЕЛЕФОНЛАР Эълонлар — 338142, коммутатор — 330249 дан 330258 гача

Р. 03620. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. А. — 183.